

Бобур номидаги Андижон вилояти  
ахборот-кутубхона маркази  
Илмий-услугият бўлими

(Услугий  
тавсиянома)

Сценарийлар

тўплами

Ахборот-ресурс  
марказлари учун

2013-2014

## **Кириш**

Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш кутубхоначилардан аввало изланиш, билим, меҳнат, муомала ва ўзига хос равишда сахна маданиятини талаб қилувчи жараён ҳисобланади.

*Тадбир деганда ҳаётий эҳтиёж асосида бирор ишни, мақсадни амалга ошириш, рўёбга чиқариш, пухта ўйлаб фойдаланиладиган восита, усул, чоралар мажмуи тушунилади.*

Ҳаётий эҳтиёж, мазмун, ғоя, мақсад асосида вужудга келувчи тадбирларнинг шакли ранг-барангдир. Кутубхоналардаги тадбирлар маданий, бадиий-оммавий, руҳий, дам олиш муҳитида ўтади.

Янги давр - янги мазмун ва янги шакл анъаналарининг пайдо бўлиши, мустақил ҳаётнинг муҳим ва унитилмас саналарини тантана қилишга имкон берадиган анъанавий ва ноанъанавий шакл ва услубдаги оммавий тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказилишини тақазо этади.

Оммавий тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, фойдаланувчиларни АКМ ва АРМ ларга янада кенгроқ жалб қилиш, қизиқишларини ошириш, китоб ўқиш маданиятини юксалтириш, китоб жамғармасидаги нашрларни тарғиб қилиш орқали китобхонлар дунёқараши ва ижтимоий фаоллигини оширишдир.

Ҳар бир касбда бўлганидек, кутубхоначилар иш фаолиятида ҳам тажриба алмашиш, ўрганиш доимий жараён ҳисобланади. Оммавий тадбирлар сценарийлар тўпламини тузишдан асосий мақсад аввало илғор иш тажрибаларини тарғиб этиш бўлса, иккинчидан АРМ лар иш фаолиятида доимий кенг ёритиладиган мавзудаги оммавий тадбирлар сценарийларидан фойдаланиб, фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш ишини бироз енгиллаштириш учун услубий ёрдам кўрсатишдир.

Албатта тавсия этилаётган ушбу оммавий тадбир сценарийлари намуна сифатида берилаётган бўлиб, АРМ лар ўз иш фаолияти, тадбир қатнашувчилари ва иштирок этувчи аудиториянинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ўзгартириб, қўшимчалар киритиб фойдаланишлари мумкин.

*Ушбу сценарийлар тўпламини тузишда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг илмий-методика бўлимининг методик-библиографик қўлланмалари ва Бобур номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказида ўтказилган бир қатор тадбирларнинг сценарийларидан фойдаланилди.*

## Китобхонлар анжумани

Китобхонлар анжумани ўтказилиши катта тайёргарлик ишларини талаб қилади. Бунинг учун биринчи ўринда анжуманни қандай ўтказилиши ҳақида ташкилий ишлар белгилаб олинади. Танланган мавзу бўйича 1 ой олдин АКМ, АРМ ходимлари кутубхонада, таълим муассасаларида, жамоат ташкилотларида анжуман мавзуси ҳақида ахборот берувчи эълонлар ёзади, таклифномалар юборади. Анжуман ўтказилиши учун жой танланади. Мавзуга бағишланган адабиётлар кўргазмаси ташкил қилинади. Адабиётлар кўргазмасидаги асарлар юзасидан обзор ўтказиш айти муддаодир. Мавзу муҳокамасига учун тахминий саволлар тузилади. Тингловчилардан анжуман вақтида мавзу юзасидан туғилган фикр ва мулоҳазаларини билдириш сўралади. Анжуманга мавзу бўйича соҳа мутахассислари, турли соҳа олимлари таклиф қилинади.

### Бобур номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази

#### Умумий ўқув зали сектори

#### “Авлодлар қалбида мангу барҳаёт”

мавзусидаги анжуман

#### СЦЕНАРИЙСИ

**Ўтказиш жойи:** Бобур номидаги вилоят АКМ

**Ўтказиш вақти:** 06 февраль 2013 йил, соат 10-00

**Ҳамкорлар:** Республика маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими, Андижон Давлат Университети, “Олтин мерос” халқаро ҳайрия жамғармаси

**Бошловчи:** Ассалому алайкум, ушбу зиё масканига ташриф буюрган азиз меҳмонлар, ҳурматли устозлар!

Ўзбек халқи учун февраль ойи том маънода байрамлар ойи ҳисобланади. Чунки бу ойда буюк шоир ва мутафаккир, дунё тан олган икки аллома, давлат арбоби ва буюк сўз санъаткорлари бўлган улуғ боболаримиз Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун юртимизда кенг нишонланади, тантана қилинади.

Шу масрурликдан илҳомланиб, бизнинг ахборот-кутубхона маркази жамоаси ҳам ушбу кунга бағишлаб тадбир тайёрлади. Тадбирга Республика маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими, “Олтин мерос” халқаро ҳайрия жамғармаси вилоят бўлими ва вилоятимиздаги олийгоҳлар мутахассисларини таклиф этганмиз. Ҳозир мен сизларни улар билан таништириб ўтаман. *(Тадбирга ташриф буюрган меҳмонлар билан таништиради.)*

Буюк кишилар ўзи тағилган юртни, миллатини ўз меҳнати, бетакрор ижоди, жасорати билан дунёга танитади. Халқи ва юртининг фаҳрига айланади. Улар

ўз номи билан бутун бир халқ, Ватани шарафини мангулик саҳифасига муҳрлайди.

Шукрлар бўлсинким, ўзбекда бундай чўкқилар оз эмас. Уларнинг бири Алишер Навоий бўлса, иккинчиси Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир.

Бу икки зот жаҳон адабиётининг улуғ намоёндаларидан биридир. Улар асрлар оша она юрти ва халқининг бўйи-бастини бутун дунёга кўз-кўзлаб келмоқда. Ҳозирги сўз навбатини буюк боболаримизнинг ҳаёти ва ижоди билан бизни янада яқинроқ таништириш ва батафсил маълумот бериш учун Андижон Давлат Университетининг мутахассиси \_\_\_\_\_ берамиз. Марҳамат!

*(Мутахассис А.Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида сўзлаб беради.)*

**Бошловчи:** Раҳмат, сизга келгуси ишларингизда муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Навоий ўз ижоди билан ўзбек адабиётининг сўнгги ривожини белгилабгина қолмай, Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг бутун маънавий маданияти тараққиётига жуда катта таъсир кўрсатди. Унинг асарлари, шеърляти қайта-қайта кучирилиб, халқ орасида кенг тарқалиб, шоирлар учун мактаб вазифасини ўтади, мадрасаларди кенг ўрганилди.

Бобур эса ўзининг маълум ва машҳур асарлари билан тарихнавис адиб, лирик шоир ва ижтимоий масалалар ечимига ўз ҳиссасини қўшган олим сифатида халқимиз маънавий маданияти тарихида муносиб ўрин эгаллайди.

Эндиги сўз навбатини яна бир мутахассисимиз \_\_\_\_\_ бериб, буюк мутафаккир З.М.Бобурнинг ҳаёти ва ижоди билан яқиндан танишиб олсак, марҳамат!

*(Мутахассис З.М.Бобур ҳаёти ва ижоди ҳақида сўзлаб беради.)*

**Бошловчи:**

Азиз иштирокчилар! Бугунги тадбиримизга Андижон Давлат Университети қошидаги 2-сон академик лицейининг она тили, адабиёт йўналиши бўйича таҳсил олаётган 1-босқич ўқувчиларини ҳамда Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими ижодкорларини ҳам таклиф этганмиз. Улар А.Навоий ва З.М.Бобур ғазалларидан ва ўзларининг уларга бағишлаб ёзган ижод намуналаридан ёд олиб, тайёрланиб келишган, ҳозирги навбатни уларга берамиз, марҳамат.

*(Ўқувчилар ўзлари тайёрлаб келган, ва ёд олган шеър, ғазалларидан айтиб беришади.)*

**Бошловчи:** Раҳмат, сизларга келгусидаги ўқишларингизда омад ёр бўлишини тилаб қоламиз! Эндиги навбат Андижон Давлат Университети тарих фанлари номзоди, доцент Дилфуза Собирова берилади, марҳамат!

*(Мутахассис З.М.Бобурнинг тарих солномаларидан жой олган муҳим воқеалари ҳақида сўзлаб беради.)*

**Бошловчи:** Бу икки буюк аждодларимизнинг бизга қолдирган адабий ва илмий меросларидан ёшларимиз, нафақат бизнинг ёшларимиз, балки уларнинг ижодига катта қизиқиш билан мурожаат қилиб келаётган бутун дунё китобсеварлари ўзларига маънавий озуқа ва бебаҳо дурдоналар олмоқдалар. Уларнинг асарлари бир мактабдир десак, муболаға бўлмас. Бизнинг зиё масканимиз ҳам шундай даҳо боболаримизнинг нодир асарларини ўқувчи ёшларимизга ва китобхонларга тарғиб қилиб, уларнинг ижодиётидан илҳом олиш ва баҳраманд бўлишлари учун асосий билим даргоҳи вазифасини ўтаб келаётганини айтиб ўтиш ўринлидир.

Ҳурматли тадбиримиз иштирокчилари, эндиги сўз навбатини “Олтин мерос” халқаро ҳайрия жамғармаси Андижон вилоят бўлими раиси Ўктамжон Баратовга берамиз, марҳамат!

*(Мутахассис ўз фикрларини билдиради.)*

**Бошловчи:** Навоий ва Бобур ижоди улар яшаган муҳитнинг бадиий қомуси, мураккаб халқ тарихининг равшан кўзгусидир. Унда инсон ҳаёти ва фаолиятининг ранг-баранг соҳалари ўз ифодасини топган. Бинобарин, Навоий ва Бобур мероси турли илм соҳалари учун бой ва қимматли манбалардир.

Азиз меҳмонлар, ҳурматли тадбиримиз иштирокчилари! Эндиги навбат вилоят маданият ва спорт бошқармаси қошидаги “Мерос” ансамблига берилади, улар А.Навоий ва З.М.Бобур ғазаллари ва шеърларидан кўшиқлар тайёрлаб келишган. Ҳозир улар ижросидаги кўшиқларни тинглаймиз, марҳамат!

*(Хонандалар томонидан кўшиқлар ижро этилади.)*

Бу икки буюк зотнинг ҳаёти, ижоди ҳали авлодларга кўп дурдоналар бериши табиий. Улар юз йиллар, минг йилларда бир содир бўладиган нодир шахслардир. Дунё Алишер Навоийни даҳо санъаткор, мутафаккир шоир сифатида тан олган бўлса, Заҳриддин Муҳаммад Бобурни буюк сўз санъаткори, буюк давлат арбоби, кейин шоҳ ва шавкатли саркарда сифатида тан олганлар. Биз шундай буюк боболаримиз билан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак арзийди.

Ҳурматли меҳмонлар! Бу улуғ боболаримиз ҳақида яна жуда кўп гапириш мумкин, лекин ҳамма нарсанинг якуни бўлганидек, бугунги тадбиримиз ҳам ўз якунига етиб бормоқда. Тадбиримизни якунлаб бериш учун сўзни Бобур

номидаги вилоят АКМ директори Исмаилова Гулнора Алижановнага берамиз, марҳамат!

Барчангизга ташриф ва эътиборингиз учун раҳмат, ҳайр, соғ ва саломат бўлинглар!

### *Давра суҳбати*

*Ушбу тадбирни ўтказиш учун тайёргарлик ишлари 1-1,5 ой олдин бошланади. Аввало АРМда эълон ва таклифнома ёзилади. Қуйида уларнинг намунавий шаклини келтирамиз.*

### *Эълон!*

*Ҳурматли фойдаланувчи! Сизларни 2013 йил \_\_\_\_\_ кунини соат \_\_\_\_\_ да Ахборот-кутубхона марказимизда “Меҳмондорчилик одоби ва муомила маданияти” мавзусида ўтказиладиган давра суҳбатига таклиф этамиз.*

*АКМ маъмурияти*

Таклиф этилган меҳмонларга таклифномалар юборилади. Давра суҳбати учун жой танланади ва безатилади. Мавзуга оид адабиётлар кўргазмаси ташкил этилади. Тадбирга олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, жамоат ташкилотлари ва бошқа манфаатдор ташкилотлардан меҳмонлар, вакиллари таклиф этилади.

Давра суҳбатини бошловчи кириш сўзи билан очади ва ташриф буюрган мутахассислар билан таништиради. Сўз учун уларнинг бирига навбат беради. Мутахассиснинг чиқиши яқунлангач, бошловчи китобхонларнинг маъруза юзасидан нотикқа саволлари бор йўқлиги билан қизиқади, саволлар бўлса мутахассиснинг жавоби тинганади. Шу тарзда барча таклиф этилган мутахассислар тингланади. Давра суҳбати сўнгида бошловчи тадбирни якуний сўз билан тугатади.

Бобур номидаги вилоят ахборот –кутубхона маркази “Оилавий ўқишга ёрдам”. кафедраси қошидаги “**Кутубхона –иккинчи оилам**” клубининг “**Меҳмондорчилик одоби**” мавзусидаги давра суҳбати

### **С Ц Е Н А Р И Й С И**

Ўтказилиш жойи: \_\_\_\_\_

Ўтказилиш вақти: \_\_\_\_\_

Қатнашувчилар: \_\_\_\_\_

Ҳамкор ташкилотлар: \_\_\_\_\_

Сўритокларда узум, новдаси кулоч-кулоч,  
Айвонида ҳар баҳор бола очар қалдирғоч.  
Салом бериб кирса ким, тўйиб чиқар бўлса оч,  
Билолмадим, Фарангу Африқода қанақа,  
Дунё хайрон бўлса ҳам, ўзбекларда шунақа.

Яшаб юриши мумкин, қўл-оёғу бармоқсиз,  
Аммо яшай олмайди эл-юрт, уруғ-аймоқсиз.  
Кузатишмас меҳмонни новвот, майиз, қаймоқсиз,  
Билолмадим, Фарангу Африқода қанақа,  
Дунё хайрон бўлса ҳам, ўзбекларда шунақа.

Тўй қилиб, эл-юртига едириб мазза қилар,  
Қудаларига чопон кийдириб мазза қилар.  
Бу маззани лондонлик бой ота қайдан билар,  
Билолмадим, Фарангу Африқода қанақа,  
Дунё хайрон бўлса ҳам, ўзбекларда шунақа.

**Олиб борувчи:** Ассалому алайкум давраимизга ташриф буюрган хурматли меҳмонлар, азиз китобсеварлар! “Кутубхона иккинчи оилам” клубининг навбатдаги “Меҳмондорчилик одоби” мавзусига бағишланган давра суҳбатига хуш келибсизлар!

Ўзбек халқи азалдан меҳмондўстликни улуғлаб келган ва самимий меҳмондўстлиги билан қадимдан машҳур. Хонадоннинг кўрки унинг меҳмондўстлиги билан баҳоланган. Меҳмонга етарлича иззат-икром кўрсатган хонадон соҳиблари улуғланган. Меҳмондўст, очик чеҳра хонадон соҳибининг уйдан меҳмон оёғи узилмайди. Халқимизда меҳмондўстлик уй эгасининг дастурхони тўкинлиги, бой-бадавлатлиги билан ўлчанмайди, борингни унинг олдига қўй, чеҳранг очик бўлса, шунинг ўзи кифоя деб ҳисоблайдилар.

Меҳмондўстлик одатини ардоқлаган хонадонда қўли очик., бағри кенг, самимий фарзандлар ўсиб-улғаядилар. Меҳмондўстликнинг туб моҳияти инсонни улуғлаш, унга хурмат кўрсатиш билан боғлиқ. Меҳмондўстликка алоҳида ҳурмат билан қаралиши меҳмон кутиш одоби, расм-русмларига катта эътибор берилишида намоён бўлади.

Бугунги тезкор, фан-техника асрида айрим урф-одатларимиз давр талабига қараб янгича кўриниш олмоқда. Даврга ҳамнафаслик, турмушимиз фаровонлигини оширишга интилиш яхши, албатта. Лекин айрим тўй-маросимларимизни “Сендан мен қоламанми?” қабилида ўтказишга уриниш, афсуски, кўнгилларга шодлик, қувонч ўрнига ташвиш, нотинчлик олиб келаётганлиги сир эмаски, бундай ҳолатлар ўзбек миллий урф-одатларини бузибгина қолмай, инсон учун энг зарур бўлган саломатлигига зарар келтираётганлигини баъзи ҳолларда ўзимиз ҳам сезмай қоляпмиз.

Келинлар, суҳбатимизни ана шундай мулоҳазага чорловчи саволларга ва албатта, уларнинг жавобларига қаратсак. Бу борада суҳбатлашиши учун биз бугунги тадбиримизга мутахассис ва намунали уйбекаларини таклиф этганмиз Улар билан таништириб ўтамиз

1. "Оила илмий-амалий маркази" вилоят бўлими мутахассиси, психолог

---

2. Андижон шаҳар тиббиёт бирлашмасига қаршли 2-сон  
поликлиникадан мутахассис  
врач \_\_\_\_\_

3. \_\_\_\_\_

Азизлар! Тадбиримизда биринчи сўзни "Оила илмий-амалий маркази" вилоят бўлими мутахассиси, психолог \_\_\_\_\_

га берсакда, улар меҳмондорчиликда биринчи навбатда нималарга эътибор берилиши кераклиги, унинг маданий-маънавий томонлари ҳақида ўз фикрларини билдириб ўтсалар. Марҳамат! Сўз сизга. *(мутахассис меҳмондорчиликнинг ўзига хос томонлари ҳақида тўхталиб ўтади. Иштирокчиларни қизиқтирган саволларига жавоб бериб ўтади)*

**Олиб борувчи:** Азизлар! Меҳмондўстлиги билан халқ ўртасида ўрнатилган сифатида қўлланувчи кишилардан, халқ оғзаки ижоди қаҳрамонларидан бири Хотам Тойидир. У фавқуллодда меҳмондўстлиги, саҳийлиги, самимийлиги, соддадиллиги билан эл ардоғига сазовор бўлган. Меҳмондўстликни улуғловчи мақол, эртак, дoston ва ривоятларда моддий бойлиги эмас, маънавий баркамоллиги, яъни очиқ дил ва очиққўллиги туфайли машҳур зотлар қанчалар қашшоқ бўлмасин, қалбан шунчалар улуғ инсонларга хос фазилатлари тараннум этилиб, улардан ўрнатилган олишга чақирилади. Бундай ўзига хос фазилат, одамгарчилик ва меҳр-оқибатларга йўғирилган китобларни ўқиган ҳар қандай инсон ўзида шундай хислатларни намоён этгиси келадикки, бунинг охири эса эзгулик уруғини сепишга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Ҳурматли меҳмонлар! Азиз тадбиримиз иштирокчилари! Юқорида мутахассисимиз меҳмондорчиликнинг маданий-маънавий томонлари ҳақида ўз фикрларини билдириб ўтдилар, ҳозир эса меҳмондорчиликда энг муҳим саналган овқатланиш тартиблари ҳақида мутахассис сифатида ўз фикрларини билдириш учун сўзни шахримиздаги 2-сон поликлиника шифокори

---

берсак. Марҳамат! *(Шифокор мавзу бўйича ўз фикрларини ва иштирокчиларнинг саволларига жавоб бериб ўтади)*

**Олиб борувчи:** Эндиги сўзни \_\_\_\_\_ берсак-да, улар ўзбек миллий урф-одатлари, уларнинг меҳмондорчиликда қўлланилишида нималарга эътибор қаратишимиз кераклиги ҳақида ўзининг ҳаётий тажрибалари билан ўртоқлашиб ўтадилар.



**Олиб борувчи:**Хурматли даврамиз иштирокчилари. Ҳозир даврамизда бериладиган саволларга айнан сизларнинг фикрингизни билиш биз учун муҳимдир.

1. “Меҳмон атои Худо”, “Меҳмон келар эшикдан, ризқи келар тешикдан” мақолларини қандай шарҳлайсиз?

2. “Назари оч бўлма, кўзингни тўқ қил” деган иборага муносабатингиз?

3. “Қаттага ҳурмат, кичикка иззат”, “Қамтарга камол, манманга завол” нақллари ҳақида...

4. “Буғдой нонинг бўлмасин, буғдой сўзинг бўлсин”...

5. Бўлғуси келин-куёвларнинг келгуси оилавий ҳаёти хотиржам кечиши, сизнингча тўй-маросимларимизни ортиқча исрофгарчиликсиз ўтишига ҳам боғлиқми?

6. “Агар меъёрдан ошсанг, сен овқатни эмас, овқат сени ейиши мумкин”. Абу Али ибн Синонинг ушбу сўзларига сиз ва биз ҳозирда қай даражада амал қиляпмиз?

*(Ҳар бир мунозарали жавоблардан сўнг мутахассис маслаҳати тингланади)*

**Олиб борувчи:** Мана азизлар! Бугунги тадбиримиз ҳам ўз ниҳоясига етиб келмоқда. Бугунги меҳмонларимиз билан хайрлашув сўзини мезбон сифатида ушбу зиё масканининг директори Гулнораҳон Исмаиловага берамиз.Марҳамат!

Токи номинг дунёда бўлсин сахий,  
Дўстлар, яхшиларни авайлаб сақланг,  
Салом деган сўзнинг салмоғин оқланг.  
Ўлганда юз соат йиғлаб тургандан,  
Уни тирикликда бир бора йўқланг

**Мақсуд Шайхзода**

Ҳа, вақтлар ўтаверади, урф-одатлар, авлодлар ўзгараверади. Бироқ Меҳр, Оқибат, Саховат, Инсонийлик, Мурувват, Яхшилик каби зийнатлар доим ҳар биримизни, хонадонларимизни безаб турсин. Кўнгилларимиз китобга, маърифатга ҳамиша интилиб яшасин. Ташрифингиз учун раҳмат!

**Э Ъ Л О Н!**

*Ҳурматли фойдаланувчилар!*

2013 йил \_\_\_май куни соат \_\_\_ да “Одам савдосига қарши курашнинг ҳуқуқий асослари” мавзусида давра суҳбати ўтказилади. Барча қизиққан китобхонларни тадбирга таклиф этамиз

**Маъмурият**

Бобур номидаги Андижон вилояти Ахборот – кутубхона маркази “Одам савдосига қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари.” мавзусидаги

Давра суҳбати  
**СЦЕНАРИЙСИ**

Ўтказиш жойи : \_\_\_\_\_

Вақти: \_\_\_\_\_

Давомийлик вақти : \_\_\_\_\_

Ҳамкор ташкилотлар : \_\_\_\_\_

Иштирокчилар: \_\_\_\_\_

Олиб боровчи: Ассалому алайкум, ушбу тадбирга ташриф буюрган ҳурматли меҳмонлар.

Бугунги кунга келиб асримизнинг жиддий муаммосига айланган одам савдога қарши кураш халқаро, минтақавий, кўп ва икки томонлама муносабатларни талаб этмоқда. Одам савдоси дунё халқларини ташвишга солаётган жиддий муаммолардан биридир. Зеро, у ҳудуд ва чегара танламайди. БМТ маълумотига кўра, дунёда ҳар йили тахминан 2 миллион 700 минг киши одам савдоси қурбонига айланмоқда. Халқаро экспертларнинг баҳолашича, ушбу жинойтчилик натижасида олинаётган йиллик даромад миқдори 7 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетган. Ташвишланарлиси, одам савдоси жинойтидан жабрланганларнинг 80 фоизи аёл ва болалардир. Ҳар йили дунё бўйича 600-800 минг нафар аёл ва болалар алдов йўли билан хорижий мамлакатларга олиб кетилиб, сотиб юборилмоқда. Шунингдек, Европада биргина одам савдоси жинойий гуруҳлари ва уларнинг бошлиқларга ҳар йили 2,5 миллиард евро даромад келтиради. Ҳозир ушбу ҳудудда 140 мингдан ортиқ хотин-қиз одам савдосининг у ёки бу кўринишидан азият чекмоқда. Уларнинг аксарияти Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари, Молдова, Россия фуқароларидир. Одам савдосига қарши крашиш борасида халқаро ва минтақавий доираларда амалга оширилаётган саъй ҳаракатларга қарамай, ушбу муаммо долзарблигича қолмоқда.

Шу боис ушбу жинойтга қарши самарали кураш олиб боришда давлатлараро ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимиз Президенти ўсиб келаётган ёшларни бундай таҳдидлардан ҳимоя қилиш, уларнинг дунёга очиқ кўз билан қараш кўникмаларини эгаллашида маънавий- мафкуравий тарбиянинг роли бекиёс эканини алоҳида таъкидлайди.

Бу борада мамлакатимизда норматив – ҳуқуқий база шакллантирилган. Қолаверса, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 60 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга қўшилган ва БМТ томонидан мазкур соҳада қабул қилинган 6 та асосий халқаро шартнома иштирокчисига айланган. Шунингдек,

хорижий давлатлар билан уюшган жиноятчилик, шу жумладан, одам савдосига қарши курашишга қаратилган 29 та шартнома ва келишув имзоланган.

Бугунги тадбиримизни ўтказишдан мақсад, бугунги кунга келиб Одам савдосига қарши курашга оид қандай ишлар амалга оширилмоқда? Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ахборот билан таъминлашда нималарга кўпроқ эътибор қаратилаётганлиги ҳақида суҳбатлашамиз.

Бугунги давра суҳбатимизга шу соҳа мутахасисларни таклиф этганмиз ижозатингиз билан уларни таништириб ўтаман.-----

**Олиб борувчи:** Одам савдоси жиноятларининг латентлик хусусияти юқори эканлиги сабабли, жабранувчилар кимга ёрдам сўраб мурожаат қилиши мумкинлиги тўғрисида маълумотга эга эмаслиги, қариндош ва танишлари орасида уларни камситувчи ҳолатларнинг тарқалиб кетишидан хавфсирашига ҳам эътибор бериши керак. Шу муносабат билан Ўзбекистонда одам савдоси бўйича аниқланмаган фактларни камайтириш учун жабрланувчиларга кўрсатиладиган ижтимоий, ҳуқуқий ва бошқа ёрдамларнинг тўлиқ сир тутилишини кафолатловчи одам савдоси қурбонларига ёрдам кўрсатиш ва химоя қилиш реоблитация марказлари фаолият олиб бормоқда. Ҳозир сўзни “Меҳримиз сизга” номли одам савдосидан жабрланганларни, аёллар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш маркази раиси Холидахон Мирзарахимовага бераман.

**Олиб борувчи:..** Ҳурматли даврамиз қатнашчилари, ўзларингизни қизиқтирган саволлар билан оғзаки ва ёзма мурожаат қилишингиз мумкин. Марҳамат.

Инсон қадри ҳақида сўз кетганда, аввало, унинг умри сарҳисоб этилиши табиий. Шундай экан, ҳаёт чиғирикларидан ўта олиш, қийинчиликни мардона енгиш, атроф гўзалликлардан иборат эканлигини теран ҳис қила олиш инсоннинг ўзига боғлиқ. Ҳозир сўз навбатини яна бир меҳмонимиз -----

бераман марҳамат. Даврамиз қатнашчилари ўз саволлари билан мурожаат қилишмоқчи. Марҳамат.\*\*\*\*\*

**Олиб борувчи:** Одам савдоси жиноятларига қарши курашишда аҳолининг бу тоифадаги жиноятлар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиши муҳим омиллардан биридир. Чунки огоҳ фуқаро ҳеч қачон одам савдоси қурбони бўлмайди.

Энди сўз навбатини ----- бераман. Раҳмат. Ҳурматли даврамиз қатнашчилари, саволларингиз бўлса марҳамат: \*\*\*\*\*

**Олиб борувчи:** Қаранг, осмон қандай мусалфа, қандай тиниқ. Оппок булутларда оппок орзулар рўёби бўй чўзмокда. Ҳаёт қандай гўзал, яшаш бахт. Ана шу бахтни қулликдан эмас, оиладан, илм олишдан, энг муҳими Ватанда топишга уриниш керак. Қолаверса, Одам савдоси, унинг жирканч кўринишлари ҳақида ҳар бир оилада, маҳаллада, таълим муассасаларида тарғибот ишларини янада кучайтиришимиз жуда зарур.

Давра суҳбатимизни якунлаш учун сўзни Бобур номидаги Ахборот кутубхона маркази директори Исмаилова Гулнора Алижоновага бераман .

### **Билимдонлар беллашуви**

Беллашув учун каттароқ зал танлангани мақсадга мувофиқдир. Гуруҳлар ва гуруҳ аъзолари сонига қараб стол, стуллар қўйилади. Адабиётлар рўйхати беллашув ўтказилишидан 1-ой олдин берилади. Беллашув ўтказишдан олдин ҳар бири 8-10 нафардан иборот бўлган 2 та билимдонлар гуруҳи тузилади. Уларга мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, олий ўқув юртларининг бакалаврият ва магистратура йўналиши талабалари, турли соҳа эгалари бўлган фойдаланувчилар киритилиши мумкин. Беллашув ташкилотчилари саволларни тузиб икки гуруҳга мўлжаллаб қўяди. Берилаётган саволларга доир адабиётлар тайёр туриши керак. Беллашувга тайёрланиш жараёнида қатнашувчилар ўша манбаларни пухта ўқиб чиқишлари зарур.

### **“Бобур” номидаги вилоят ахборот- кутубхона маркази Фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш бўлими Ўқув жараёнига ёрдам кафедраси»**

2013 йил “ОБОД ТУРМУШ “ йилига бағишланган  
**“ЮРТ ОБОД КЎНГИЛ ОБОД”** мавзусидаги заковат беллашуви  
**СЦЕНАРИЙСИ**

#### **Олиб борувчи:**

Ассалому алайкум бугунги 2013 йил “ОБОД ТУРМУШ “ йилига бағишлаб ўтказилаётган “ЮРТ ОБОД КЎНГИЛ ОБОД ” мавзусидаги заковат беллашувимизга ташриф буюрган азиз устозлар, меҳмонлар ва даврамиз қатнашчилари .

Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан 2013йилнинг “Обод турмуш йили” деб эълон қилинганлиги барча ҳамюртларимизни, жумладан оддий ўзбек аёли сифатида менинг ҳам кўнглимни ғурур ва ифтихорга тўлдирди.Чунки, ўлкамизда амалга оширилаётган ислохатлар, қабул қилинган қатор қонун ва давлат дастурлари инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга, ҳаётимизнинг янада обод бўлишига эришишимизда дастурамал вазифасини ўтамоқда.

Мухтарам юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлагандек, «Ватанимизни ҳар томонлама обод қилиш, тинч ва фаровон ҳаёт барпо этиш – миллий ғоямизнинг асосидир». Дарҳақиқат, Президентимизнинг йилга ном бериш негизида, авваламбор, ҳар бир одам, ҳар бир оила, қолаверса, бутун халқимизнинг ҳаёлидан ўрин олган вазифаларни амалга ошириш, тараққиётимизни жадаллаштириш, ҳаётимизни янада фаровон қилиш каби эзгу мақсад-муддаолар ўз ифодасини топади. Истиқлолимизнинг ҳар бир йили мазмун-моҳияти билан бир-бирини тўлдириб, тадрижий давом этиб келмоқда. Мустақил Ўзбекистон бугунги кунда шу заминда яшаётган одамлар учун чин маънода обод турмуш, фаровон ҳаёт яратишга қодир мамлакатга айланди.

Ободлик кўнгилдан бошланади, деб бежиз айтишмаган. Халқимиз қадим-қадимдан ўзи яшаган кўчани, қолаверса, оила ва маҳалласини обод қилиб келган. Мустақиллигимизнинг 21 йили давомида юртимизда олиб борилган бунёдкорлик ишлари туфайли замонавий кўркем бинолар, ҳашаматли саройлар қад ростлаб, обод шаҳарларимиз, файзли қишлоқларимизнинг чиройига чирой кўшди.

Оилаларимиз тўкин-сочинликда, фаровонликда умргузаронлик қиляпти. Меҳр-оқибатли бўлиб ҳамжиҳатлик билан юртимиз ободлиги йўлида хизмат қиларканмиз, турмушимиз тинч ва ҳаётимиз фаровон бўлиши шухасиз.

Бугунги “ЮРТ ОБОД КЎНГИЛ ОБОД” мавзусидаги заковат беллашувимизда 1 ва 2 -маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг талабалари беллашмоқдалар. Келинг, уларни даврага қарсақларингиз остида таклиф қилсак. Марҳамат. Қатнашувчилар даврага. Дастлаб 1-чи маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг “\_\_\_\_\_” гуруҳ талабаларини даврага таклиф этамиз. Марҳамат.

Гуруҳ сардори

Гуруҳ аъзолари:

---

Қарсақларингиз остида 2-маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг “Алгоритм” гуруҳ аъзоларини таклиф этсак-да, гуруҳ сардори ва иштирокчилари билан таништирсак. Марҳамат.

Гуруҳ сардори \_\_\_\_\_

Гуруҳнинг аъзолари:

---

### **Олиб борувчи:**

Раҳмат!. Ҳурматли талабалар. Бугунги иштирокингиз давомида айрим саволларга жавоблар ўта босиқлик билан топилади, айримларига шиддат керак бўлади. Яна қайсидир савол кучли мулоҳазани талаб қилса, яна бир саволда тассавурни ишлатиш фойда беради. Ҳар бир саволга жавоб топишда

сизга омад тилаган ҳолда беллашувимизни шартлари билан таништириб ўтсак:

### Шартлар

1. Беллашувда иштирок этаётган гуруҳнинг аъзолари 6-нафардан бўлиши талаб этилади.

2. Саволлар ҳар бир гуруҳга умумий берилади. Жавоб учун бир дақиқа вақт ажратилади.

3. Агар биронта гуруҳда жавоб тайёр бўлса, “жавоб тайёр” деб айтилиши лозим.

4. Агар бирон гуруҳда жавоб белгиланган вақтдан илгари тайёр бўлса, ва бу жавоб тўғри деб топилса, ажратилга 1-дақиқа вақт бу гуруҳга захира сифатида берилади. Гуруҳ лозим топилган вақтда беллашув давомида ундан кўшимча равишда фойдаланиши мумкин.

5. Ҳар бир гуруҳдан берилган саволга 1-та жавоб қабул қилинади.

6. Беллашув гуруҳларнинг бири 6 балл тўплагунига қадар қадар давом этилади. Ва шу гуруҳ ғолибликни қўлга киритади.

Энди жюри хайъати аъзолари билан таништиришга рухсат берсангизлар.

Хайъат раиси: \_\_\_\_\_

Хайъат аъзолари \_\_\_\_\_

Бугунги тадбиримизга истеъдодининг яна бир қиррасини намоиш этиш учун рассом ёшларимиз ҳам ташриф буюришган. Улар бугунги тадбиримиз давомида “Озод юртнинг обод оиласи” мавзуси бўйича расмлар чизиб боради. Келинг, уларни даврага таклиф этиб, яқиндан танишсак. Марҳамат.... Раҳмат. Энди эса сизларни махсус ажратилган жойга таклиф этамиз. Ўз ўрнингизни эгаллаб олинг, марҳамат.

### Олиб борувчи:

Юртбошимиз Ислон Каримов “Фахру ғурур соҳиби бўлиш учун инсон интеллектал бойликка эга бўлиши керак. Одам қанча чуқур билимга эга бўлса, дунёни яхши билса, ён атрофда бўлаётган воқеаларни фалсафий жиҳатдан тўғри англай олса, шундан кейингина, унда фахр-ифтихор бўлади.” деб таъкидлайди. Бугунги тадбиримиздан ҳар бирингиз ўзингиз учун янги билим ва маълумотларни оласиз ва тадбиримиздан хурсанд бўлиб чиқиб кетасиз деган умид билан саволларимизни беришни бошласак. Марҳамат!

### 1-савол :

Бир йилда кун билан туннинг ўзаро нисбати билан боғлиқ тўрт нукта бўлса, шунинг биринчиси Наврўздир. Бу баҳорги эътидол, яъни тенгкунлик дейилади. Диққат савол: Ушбу тўрт нуктанинг учинчиси 21 сентябр хисобланади. Бу куннинг ўзига хос хусусияти нимада?

**Жавоб: 21 сентябрга бориб яна кун билан тун тенглашади.**

**Бу кузги эътидол дейилади. Бунинг Наврўздан фарқи**

**шундаки, энди хар куни туннинг хиссаси ошиб, куннинг улуши камайиб бораверади.**

**2-савол:**

“Зийнат ал-мажолис” “Зийнатлар мажлиси” анталогиясида келтирилишича, мазкур чолғуни Абу Наср Фаробий ихтиро этган. Яна шу асарда келтирилишича, Фаробий Рай шахрида Соҳиб ибн Аббос қабулида бўлганида, вазир шарафига ўтказилган зиёфатда ушбу чолғу асбобида уч қисмли куй ижро этиб, тингловчиларни ҳам йиғлатган, ҳам кулдирган, ҳам хаяжога солган экан. Савол: Юқорида қайси чолғу асбоби ҳақида сўз кетмоқда.

**Жавоб: Ғижжак**

3-савол: У халқнинг, жамиятнинг ҳаёти, турмушига оид урф-одатларни ўзида синовдан ўтказади. Яхшиларини ўз бағрида асраб-авайлаб келажак авлодларга етказади. У ўз фарзандларини тарбиялаб, уларга умуминсоний қадриятларни сингдириш билан уларга бошланғич ижтимоий йўналиш беради. Ўз фарзандларини катта оқимга – жамиятга қўшиш билан эса у жамият йўналиш, иқтисодиёти, маданияти ва маърифатини ҳам белгилашга ўз таъсирини кўрсатади. Юқоридаги сўзларда нимага таъриф берилмоқда.

**Жавоб: Оила**

4-савол:

Бу мевани Ўзбекистонда “Андижон қораси”, “Гўзал қора”, “Каттакўрғон”, Қизил хурмони, “Султони”, “Ғўлжа”, “Қора жанжал”, “Мўрчамиён” каби беш юз эллиқдан ортиқ навлари мавжуд. Бу навларнинг номи қайси мевага тегишли?

**Жавоб: Узум**

5-савол :

”Аскарлари бақувват эл қудратли бўлур, қудратли элнинг аскарлари бақувват бўлур”, кимнинг сўзи?

**Жавоб: Соҳибқирон Амир Темур бобомизга мансубдир. Шу фикрни давом эттириб, хурматли юртбошимиз Ислон Каримов “Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлади”, деб қўшимча қилган.**

6-савол :

Ушбу куйида ўқиладиган сатрлар қайси шоирамизнинг қаламига мансуб ва нимага қиёсланган?

Икки маҳбубини кўрдим, бир-бирисин кўрмаган,  
Иккисининг ўртасига, дўстлар қил сиғмаган.

**Жавоб: 19 аср ўзбек адабиётида шоиралар силсиласини бошлаб берган ижодкор шоира Жаҳон Отин Увайсидир. Мисраларда кун ва тунга қиёс берилган.**

*Энди эса мусиқий танаффус эълон қилсакда, рақсга навбатни берсак.*

7-савол : Дунёда шундай бир ҳикмат бор, ҳамма нарса вақтдан кўрқади, вақт эса улардан кўрқади. Улар нималар?

**Жавоб: Миср пирамидалари чунки улар 4000 йилдан буён ҳамон бор. Вақт ҳам уларни устидан ҳукмини ўтқиза олмаган.**

8- савол: Машхур Француз ёзувчиси Гиде Де Мопассан Париждаги Эйфель минорасини ёмон кўрар экан, лекин ўзи ўша миноранинг пастки қисмида танаввул қилар экан. Нима учун шундай?

**Жавоб: Чунки Париждаги бошқа ошхоналардан Эйфель минораси кўриниб турар эди, Эйфел минорасини кўрмаслик учун Гиде Де Мопассан ўша ерда овқатланар экан.**

9 – савол :

Тўмарис даврида баъзи бир аёлларга тақинчоқ тақиш тақиқланган, биламизки Тўмарис даврида жанг-жадаллар кўп бўлган, қандай тоифали аёлларга тақинчоқ тақиш ман қилинган?

**Жавоб:Ўғил фарзанд кўрмаган аёлларга тақинчоқ тақиш тақиқланган, чунки жангчи фарзанд етказиб бермаган.**

10 – савол :

Улар уч мадрасадир. Биринчисининг қурилиши 15 асрда 1417-1420 йилларда Мирзо Улуғбек томонидан барпо этилган бўлса, иккинчи ва учунчиси мадрасалар 17-асрда шу вилоят ҳокими Ялангтўш Баҳодир томонидан қурилган ва улар ҳозирги кунда ўзининг бетакрор гўзаллиги билан марказий Осиё меъморлигининг ноёб ёдгорлиги ҳисобланади.

Диққат савол:Бу ерда сўз қайси меъморий обида ҳақида кетмоқда.

**Жавоб: Регистон мажмуи**

11-савол:15-16 асрларда Андижон атрофида суғорма деҳқончилик анча ривожланганлигини кўрамиз. Бунинг натижасида Андижоннинг иқтисодий қудрати мустаҳкамланган.Ҳамюртимиз шох ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг “Бобурнома” асарида бу ҳақида шундай дейилган:”Андижонга тўққиз тарнов сув кирар” бироқ Бобур ушбу ариқ номларини санаб ўтмаган.Мана Бобур номидаги вилоят ахборот кутубхона маркази биносининг олдидан оқиб ўтаётган ариқнинг номи қуйидагиларни қайси бирига таълуқли ?

- 1.Хокан.2.Бурхоншайх ариғи.3.Хўтан.4.Жўйибозор.5.Буғра  
6.Далварзин.7.Оқработ.8.Тўқмоқ. 9.Боботаваккал.

**Жавоб:Жўйибозар**

12-савол :

Халқаро статистикада ЮНЕСКО тавсиясига кўра китоб деб белгилаш учун маълум бир стандарт, шарт қабул қилинган. Бу қандай шарт.



**Жавоб: Ҳажми 48 саҳифадан кам бўлмаган табоқлаб тикилган нодаврий нашрларни шартли равишда китоб дейиш қабул қилинган**

Рассом ёшларимиз ҳам ўз ишларини поёнига етказишган бўлса, марҳамат, расмларни хайъат аъзоларига тақдим этсангизлар. Марҳамат

Хайъат аъзолари балларни жамлагунларига қадар мусиқий танаффус эълон қилсақда, навбатни рақсга берсак. Марҳамат.

Энди эса навбатни жюри раисига берсақда бугунги иштрокчи голибларимизни аниқлаб берсалар. Марҳамат.

Бугунги беллашувимизни энг фаол билимдони наминацияси бўйича жюри ҳайати томонидан қуйидаги талаба эътироф этилди. Сиз учун махсус совғамиз бор марҳамат қабул қилиб олинг. \_\_\_\_\_

Бугунги беллашувимиз давомида ўзининг рассомлик ишларини тайёрлаган ҳар икки коллежнинг талабаларининг ишларини баҳолаш учун сўз навбатини хайъат аъзоси \_\_\_\_\_ га берсак. Марҳамат.

Бугунги тадбир иштирокчиларини тақдирлаш ва тадбиримизга якунлаш учун сўз навбатини Бобур номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази раҳбари Исмаилова Гулнора Алижоновага берамиз.

Олиб борувчи:

Шарқ алломаларидан бири Абу Наср Форобий: “Ҳар кимки илм-ҳикматни ўрганаман деса, уни ёшлигидан бошласин” деган эди. Дарҳақиқат, ёшлиқдан олинган билим тошга ўйилган нақш баробаридадир. Шу ўринда, ёшларимизнинг тафаккури кенг, чуқур билимга эга бўлиши нафақат уларнинг ўзлари учун балки, мустақил юртимизнинг озод ва обод бўлиб янада яшнашида муҳим аҳамиятга эгадир. Бунинг учун эса улар учун имкониятлар бекиёсдир. Бугунги 2013 йил “ОБОД ТУРМУШ” йилига бағишланган “ЮРТ ОБОД КЎНГИЛ ОБОД” мавзусидаги заковат беллашувимиз ҳам сиз ёшлар учун шу мақсад йўлида қўйилган қадамлардан бири бўлиб қолади, деган умиддамиз.

Ҳар бир ҳаракатинг қўйган мақсадинга боғлиқ дейишади. Ҳақиқатдан ҳам шундай. Яхши ниятлар, эзгу мақсадлар билан яшаш, ҳар бир кундан ҳаловат топиб, ҳаётдан рози бўлиб умргузаронлик қилиш бизнинг ҳалқимизни қон-қонига сингиб кетганининг асл моҳияти ҳам шунда бўлса керак. Аслида одамзот учун ҳаловатдан ҳам тотли неъмат бўлмаса керак. Инсон қанча молу-давлатга эга бўлмасин, қанчалик юксак марраларни эгалламасин, кўнглида ҳаловат бўлмаса, уларнинг ҳеч бири татимайди. Зотан оиласида, рўзғорида, маҳалласида юртида мана шундай неъмат барқарор экан, фаровонлик, файз-барака, аҳиллик, тотувлик кенг қулоч ёзади. Бир сўз билан айтганда, ҳаёт ҳам, турмуш ҳам обод бўлади. Ана шундай оилангида тинчлик-тотувлик, уйингизга файз-барака тилаб бугунги заковат беллашувимизни якунласак. Хайр омон бўлинг.

**Бобур номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази Фойдаланувчиларга  
хизмат кўрсатиш бўлими “Ўқув жараёнига ёрдам” кафедраси**

**Алишер Навоий ва З.М.Бобур таваллуд кунига бағишланган “Нафосат  
илмининг соҳиблари” мавзусидаги заковат интеллектуал ўйининг  
С Ц Е Н А Р И Й С И**

Ўтказиш жойи: \_\_\_\_\_

Ўтказиш вақти: \_\_\_\_\_

Ҳамкор ташкилотлар: \_\_\_\_\_

Иштирокчилар: \_\_\_\_\_

**Олиб борувчи:** Ассалому алайкум ушбу зиё масканига ташриф буюрган ҳурматли меҳмонлар, азиз устозлар, ўқувчилар ва болажонлар! Буюк шоир ва мутафаккир, дунё тан олган икки аллома, ўзбек адабиётининг заршунослари, буюк сўз санъаткорлари бўлган улуғ боболаримиз Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунларига бағишлаб ўтказилаётган ушбу тадбир баҳона сизлар билан дийдор кўришиб турганимиздан бениҳоят мамнунмиз. Хуш келибсизлар!

**Олиб борувчи:** Буюк кишилар ўзи туғилган юртни, миллатини ўз меҳнати, бетакрор ижоди, жасорати билан дунёга танитади. Халқи ва юртининг фахрига айланади. Улар ўз номи билан бутун бир халқ, Ватани шарафини мангулик саҳифасига муҳрлайди.

Шукрлар бўлсинки, ўзбекда бундай чўққилар оз эмас. Уларнинг бири Алишер Навоий бўлса, иккинчиси Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир.

Бу икки зот жаҳон адабиётининг улуғ намоёндаларидан биридир. Улар асрлар оша она юрти ва халқининг бўйи-бастини бутун дунёга кўз-кўзлаб келмоқда.

XV аср жаҳон маънавиятининг буюк сиймоси ҳисобланган Алишер Навоий ўз ижоди билан ўзбек адабиётининг сўнгги ривожини белгилабгина қолмай, Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг бутун маънавий маданияти тараққиётига жуда катта таъсир кўрсатди. Унинг асарлари, шеърляти қайта-қайта кўчирилиб, халқ орасида кенг тарқалиб, шоирлар учун мактаб вазифасини ўтади, мадрасаларда кенг ўрганилди.

Буюк саркарда ва адолатли шоҳ Бобур эса ўзининг маълум ва машҳур асарлари билан тарихнавис адиб, лирик шоир ва ижтимоий масалалар ечимига ўз ҳиссасини қўшган олим сифатида халқимиз маънавий маданияти тарихида муносиб ўрин эгаллайди.

Бу икки буюк боболаримизнинг бизга қолдирган адабий ва илмий меросларидан ёшларимиз, нафақат бизнинг ёшларимиз, балка уларнинг ижодига катта қизиқиш билан мурожаат қилиб келаётган бутун дунё китобсеварлари ўзларига маънавий озуқа ва бебаҳо дурдоналар олмоқдалар. Уларнинг асарлари бир мактабдир десак, муболаға бўлмас.

Навоий ва Бобур ижоди улар яшаган муҳитнинг бадиий қомуси, мураккаб халқ тарихининг равшан кўзгусидир. Унда инсон ҳаёти ва фаолиятининг ранг-баранг соҳалари ўз ифодасини топган. Бинобарин, Навоий ва Бобур мероси турли илм соҳалари учун бой ва қимматли манбалардир.

Азиз ўқувчилар, ширинтой болажонлар! Бугунги тадбиримизни беллашув шаклида ташкил этганмиз Энди ўйинимизнинг асосий шартлари билан таништириб ўтаман. Ҳозир сизларга саволлар берилади. Жавоб бермоқчи бўлган ўқувчимиз кўлини кўтариб, ўзини таништириб, жавобини айтади. Тўғри жавоб учун 1 баллдан баҳо берилади. Саволларга ўйлаб олиш учун 1 дақиқадан вақт берилади.

Беллашувни баҳолаб бориш учун ҳакамлар таклиф этилган. Ҳозир сизларни улар билан таништириб ўтаман:

Раис: \_\_\_\_\_

Аъзолари: \_\_\_\_\_

Ҳурматли ўқувчилар! Беллашувимизни бошлаймиз, барчангизга омад ёр бўлсин.

**1-савол: Ёш Алишернинг**

**“Оразин ёпқач кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,  
Бўйлаким пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғач қуёш”**

**мисралари билан бошланувчи ғазалига қайси шоир ўзининг барча ғазалларини бахшида қилган?**

*(Жавоб: Лутфий.)*

**2-савол: Отасиниг вафотидан сўнг Алишер кимнинг қўлида қолди?**

*(Жавоб: 12-13 ёшларида отаси вафот этган Алишер Хуросон подшоиси Абулқосим Бобир қўлида қолди.)*

**3-савол: З.М.Бобур қачон, қаерда, қандай оилада дунёга келган?**

*(Жавоб: 1483 йил 14 февралда Андижонда, Фаргона улусининг ҳоқими Умар Шайх мирзо оиласида дунёга келган)*

**4-савол: А.Навоийнинг “Хамса” асари қайси 5 дostonни ўз ичига олган?**

*(Жавоб: Ҳайрат ул-аброр, Лайли ва Мажнун, Фарҳод ва Ширин, Саъиа сайёр, Садди Искандарий дostonлари)*

**5-савол: А.Навоий қачон ва қаерда туғилган?**

*(Жавоб: 1441 йил 9 феврал куни Ҳиротда туғилган)*

**6-савол: Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида ёзилган “Бола Алишер” қиссаси ва “Навоий” романининг муаллифи ким?**

*(Жавоб: Ойбек)*

**7-савол: Навоий ижодаги мансуб “Лисон ут-тайр” достонининг ўзбекча номини айтинг.**

*(Жавоб.: “Қуш тили”)*

**8-савол: Навоий ҳазратлари “Маҳбуб ул-қулуб”да**

**У-кичик ёшлиларни катталар дуосига сазовор этади.**

**У-ёшларни кўзга улуг қилиб кўрсатади.**

**У-одам табиатига инсонийлик бахш этади.**

**деб инсондаги қайси фазилятга нисбатан таъриф берганлар?**

*(Жавоб: Одобга таъриф берганлар)*

**9-савол: Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонида “Зеби жаҳон” деб қайси тарихий обидани таърифлаган?**

*(Жавоб: Улуғбек расадхонасини)*

**10-савол: Адиб Пиримқул Қодировнинг Бобур ва бобурийлар сулоласига бағишлаб ёзилган асарларини айтинг.**

*(Жавоб: “Бобурнинг болалиги”, “Юлдузли тунлар”, “Авлодлар довони” асарлари)*

**11-савол: “Бобурнома” қандай асар?**

*(Жавоб: “Бобурнома” мемуар, тарихий-илмий асар)*

**12-савол: Захириддин Муҳаммад Бобурга “Бобур” таҳаллуси нимага асосланиб берилган ва у қандай маънони англатади?**

*(Жавоб: Ёш Бобур йўлбарс билан олишиб, уни енггани, довжураклиги ва жасурлиги учун “Бобур” яъни, “шер” лақаби берилган)*

**13-савол: Бобур неча ёшдан бошлаб рубоий ва ғазаллар ёзган?**

*(Жавоб: 18-19 ёшдан бошлаб газал ва рубоийлар ёзган)*

**14-савол: Чархнинг мен кўрмаган жабру жафоси қолдимۇ?**

**Хаста кўнглим чекмаган дарду балоси қолдимۇ?**

**мисралари билан бошланувчи ғазал муаллифи ким?**

*(Жавоб: З.М.Бобур)*

**15-савол: Навоий қачон ва қаерда ҳоким этиб тайинланган?**

*(Жавоб: 1487 йили қишда Астробод ҳокими этиб тайинланган)*

**16-савол: Навоийнинг охириги ёзган асари қандай номланган?**

*(Жавоб: “Маҳбуб ул-қулуб” (Кўнгилларнинг севганлари - 1500 й.) деб номланган)*

**17-савол: Асли “Бобурийлар сулоласи” Оврўпо тарихчилигида қандай ном билан аталган?**

*(Жавоб: “Буюк мўғуллар” номи билан аталган)*

**18-савол: Бобурийлар сулоласи томонидан Ҳиндистонда барпо этилган иншоотларни айтинг?**

*(Жавоб: Хумоюн мақбараси, Тожмаҳал, Баланд дарвоза, Олтин ибодатхона иншоотлари)*

**19-савол: Навоий кўп асарларини “Навоий” тахаллуси билан ёзган. Лекин “Лисон ут-тайр” достонини бошқа тахаллус билан ёзган. Қандай тахаллусда ёзганлиги айтинг.**

*(Жавоб: “Фоний” тахаллуси билан ёзган)*

**20-савол: З.М.Бобур онасининг исмини айтинг?**

*(Жавоб: Қутлуғ Нигорхоним)*

**Олиб борувчи:**

Ҳурматли ўқувчилар, ушбу савол-жавоблар орқали улуғ боболаримиз А.Навоий ва З.М.Бобурнинг ҳаёти ва ижодини яна бир бор эсга олдик. Бу икки буюк зотнинг ҳаёти, ижоди ҳали авлодларга кўп дурдоналар бериши табиий. Улар юз йиллар, минг йилларда бир содир бўладиган нодир шахслардир. Дунё А.Навоийни даҳо санъаткор, сўз мулкининг султони сифатида тан олган бўлса, З.М.Бобурни буюк сўз санъаткори, мутафаккир шоир, кейин шоҳ ва шавкатли саркарда сифатида тан олганлар. Биз шундай улуғ боболаримиз билан ҳар қанча фаҳрлансак, ғурурлансак арзийди.

Иштирокчиларимизнинг жавобларини ҳакамларимиз кузатиб, баҳолаб бормоқдалар, ҳозир балларни эълон қилиш учун сўз \_\_\_\_\_ га.

**Олиб борувчи:** Мана ҳурматли меҳмонлар, азиз устозлар, ўқувчилар ва болажонлар, ўйинимиз ҳам ўз ниҳоясига етмоқда. Барчангизга бугунги беллашувимизда қатнашганингиз учун раҳмат.

Ҳурматли тадбиримиз иштирокчилари! Бугунги тадбирни якунлаб бериш учун сўзни Бобур номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази \_\_\_\_\_

берамиз. Марҳамат!

### **Баҳру-байт беллашуви**

Беллашувни ўтказишдан олдин фойдаланувчилардан иборат икки гуруҳ тузилади. Гуруҳга мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, талабалар, турли соҳа эгалари бўлган фойдаланувчилар киритилиши мумкин.

Беллашув ташкилотчилари қатнашувчиларга бериладиган шартларни тузиб чиқадилар, сўнгра ҳар бир қатнашувчига рақам берилади. Беллашув қатнашчилари навбат билан ғазалнинг охириги ҳарфидан шеър айтишни давом

эттирадилар. Айтилган ғазал бошқа иштирокчи томонидан такрорланмаслиги керак, агар иштирокчи 30 сонияда ғазални давом эттиролмаса ўша иштирокчи беллашувни тарк этади.

**Бобур номидаги вилоят ахборот-  
кутубхона маркази  
“Маҳалла” хайрия жамоат фонди  
вилоят бўлими бошқаруви**

## **ТАКЛИФНОМА**



**Андижон-2013**

**ОИЛА ФАРОВОНЛИГИ -  
МИЛЛИЙ ФАРОВОНЛИК  
АСОСИДИР.**

**И.Каримов**

**Хурматли \_\_\_\_\_ !**

*Сизни 2013 йил “Обод турмуш  
йили”га бағишлаб “Озод юртнинг  
обод оиласи” мавзусида ўтказила-  
диган оилавий интеллектуал  
беллашувга таклиф этамиз.*

**Ўтказилиш жойи:** Бобур номидаги  
вилоят АКМ

**Ўтказилиш вақти:** 8 апрел  
соат 10:00 да

## Оилавий беллашув

Бобур номидаги вилоят ахборот- кутубхона маркази “Кутубхона – иккинчи оилам “ клубининг

2013 йил – “Обод турмуш йили”га бағишланган “Озод юртнинг обод оиласи” мавзусидаги интеллектуал беллашув

### С Ц Е Н А Р И Й С И

Ўтказилиш жойи \_\_\_\_\_

Ўтказилиш вақти \_\_\_\_\_

Қатнашувчилар \_\_\_\_\_

Ҳомийлар \_\_\_\_\_

*Ҳар уйнинг эркак ҳам бекаси бўлсин,  
Ҳаётнинг бугун ҳам эртаси бўлсин,  
Эркакни дунёнинг кўргони десак,  
Аёл шу кўргоннинг эркаси бўлсин.*

**Бошловчи:** Ассалому-алайкум ҳурматли даврамиз меҳмонлари, азиз китобсеварлар!

Баҳор айёми ҳамон ўз ифोरини, бўйини таратаётган сурурли, шукуҳли кунларда сизлар билан учрашиб турганимиздан бениҳоя мамнунмиз ва барчангизга хуш келибсизлар деймиз.

Ҳаммамизга маълумки, Президентимиз томонидан 2013 йилни “Обод турмуш йили” деб номланиши юртимизнинг барча жабҳаларида фаолият олиб бораётган юртдошларимизга, шу жумладан биз кутубхоначилар олдига ҳам яна бир қарра ўзига хос маъсулиятни юклаб берди. Айниқса, бу борада ахборот-кутубхона марказида ташкил этилган “Кутубхона – иккинчи оилам” клуби фаолиятининг маъсулияти икки ҳисса ошди десак янглишмаймиз. Клубнинг навбатдаги “Озод юртнинг обод оиласи” мавзусида ўтказилаётган бугунги интеллектуал беллашуви ҳам давлат дастурида белгилаб берилган вазифаларга ҳамоҳанг тарзда амалга оширилмоқда.

*“Аёл оқилаю эр ишбилармон,  
Бўлса кундан-кунга обод хонадон”.*

Ҳа, бу йилнинг “Обод турмуш йили” деб номланиши ҳам бежиз эмас. Зеро, хонадон ободлиги, фаровонлиги – юрт тинчлигининг пойдеворидир.

Ватан остонадан бошланади. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжихатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла, юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради. Тинчлик ва хотиржамлик ҳукм сурган юртда оилалари обод, турмушлари фаровондир. Шу ўринда, юртбошимиз Ислом Каримовнинг “оила фаровонлиги - миллий фаровонлик асосидир” деган фикрлари айти ҳақиқатдир.

Оилаларнинг фаровон бўлишида эса шубҳасиз уларнинг юксак маънавияти биринчи ўринда туради. Бундай юксак маънавиятга эришишда эса ота-она, ота-она бўлганда ҳам китобхон, илм-маърифатга ташна қалблар эгаси бўлиши зарур. Бу борада бизга энг яқин ва беминнат дўст - китоблар ва уларнинг тарғиботчиси – кутубхоналар беғараз ёрдам кўрсатади.

“Пиримиз-билим, китоб-муаллим”, ”Инсон китоб ўқишдан тўхтаса, фикрлашдан ҳам тўхтайдиган”, донишмандларнинг ушбу ўғитларига амал қилган инсон ҳаётнинг ҳар бир зарбасига китоб орқали, олган илми туфайли бир синов деб баҳо беради, қийинчиликлар олдида ўзини йўқотиб қўймайди. Бунинг учун эса болани ёшлиқдан китобга бўлган меҳрини уйғотиш асосий вазифадир.

Фарзандларини ёшлигидан китоб билан дўст қилиб тарбиялашда ота-она алоҳида ўрнатма кўрсатмоғи муҳимдир. Бу борада вилоят ахборот-кутубхона марказида ташкил этилган “Кутубхона иккинчи оилам” клуби ёш оилалар, ёш оналар билан маънавий ҳамкорликни йўлга қўйган ва уларга бу борада беминнат ёрдам кўрсатиб келмоқда. Ёш уй бекаларини фарзандлари тарбиясида, уларни бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, фарзандларини ёшлигидан китобга бўлган меҳрини уйғотишда клубнинг режасига мувофиқ бир қанча тадбирлар ташкил этилиб ўтказиб келинмоқда. Навбатдаги 2013 йил “Обод турмуш йили”га бағишлаб ўтказилаётган “Озод юртнинг обод оиласи” мавзусидаги бугунги тадбиримиз ҳам шулар жумласидандир.

Бугунги кун ҳар биримиздан илмли, билимли бўлишни, ҳар бир воқеага теран фикр, зийрак нигоҳ билан ёндошишни, фуқаролик жамиятида эркин, хур фикрли инсонларни баркамол қилиб тарбиялашни талаб этмоқда. Ушбу беллашувимиз ҳам ана шундай мақсадлар инъикоси сифатида тайёрланди.

Бугунги беллашувимизда “Кутубхона иккинчи оилам” клубининг фаол аъзоларидан учта оила ўзаро беллашдилар.

Келинг, энди бугунги иштирокчиларимиз билан танишамиз.

- 1 \_\_\_\_\_ лар оиласи
- 2 \_\_\_\_\_ лар оиласи
- 3 \_\_\_\_\_ лар оиласи

Мана азизлар! Бугунги беллашувимизда иштирок этувчи оилалар билан ҳам танишиб олдик.

Энди бугунги беллашувимизни кузатиб, уларни баҳолаб бориш учун тузилган ҳакамлар ҳайъатини сизларга таништириб ўтаман:

1. Ҳакамлар ҳайъатининг раиси Бобур номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази директори Гулнорахон Исмаилова

2. Ҳайъат аъзолари \_\_\_\_\_
- 3 \_\_\_\_\_
- 4 \_\_\_\_\_
- 5 \_\_\_\_\_
- 6 \_\_\_\_\_

Энди беллашувимиз шартлари билан таништириб ўтаман.



Беллашувимиз шартларини имкон қадар аёлларимизнинг уй шароитларида, кундалик ҳаётида доимо ҳамроҳ бўладиган юмушларидан келиб чиқиб тайёрлашга ҳаракат қилдик.

**1-шартимиз** – бу танишув шарти бўлиб, иштирокчилар ўзларининг оилалари ҳақида маълумот бериб ўтадилар. Эслатма: Ҳакамлар бу шартда иштирокчиларимизни шеърӣ ёки насрий тарзда тавсиф беришларига алоҳида эътибор қаратишлари иштирокчиларнинг юқори баҳога эга бўлишларига имкон беради. Бунда ҳакамларимиз 10 баллгача баҳолашлари сўралади. Шартни бажариш учун ҳар бир оилага 5 минутдан вақт берилади.

**2-шартимиз** - тезкор савол-жавоблардан иборат. Бунда ҳар бир иштирокчи оилаларга 1 минутдан вақт берилади. Шу вақт ичида берилган тўғри жавоблар 1 баллдан баҳолаб борилади.

**3-шартимизда** - иштирокчилар кундалик ҳаётимизда доимо истеъмол қилинадиган сабзавот ёки ошкўкларга маълумот бериб ўтишлари керак, Бунда биз 3 та нарса - сабзи, укроп ва редискани танлаб олганмиз, қоғозларга ёзилган юқоридаги сабзавот ва ошкўкларни танлаб оладилар. Бунда иштирокчиларга 3 минутдан вақт берилади, иштирокчиларимизнинг энг кўп маълумот берганларига 5 баллдан 2 баллгача баҳо берилади.

**4-шартимиз** – Берилган оқ қоғозларга иштирокчилар ўз оиласи шажарасини тасвирлаб беришлари керак. Бунда ҳакамларимиз тасвирнинг кўриниши ва таърифига алоҳида эътибор беришлари сўралади. *(Шартни бажаргунга қадар мусиқий танаффус эълон қилинади ва шу вақтда тугатишлари керак бўлади)* Шарт 5 баллгача баҳоланади.

**5-шартимиз** - иштирокчиларимизнинг бола парвариши ёхуд ”тез ёрдам” келгунча қадар қўлланадиган зарурий муолажаларни қандай қўллай олишлари синовдан ўтказилади. Бунда ҳам биз тасаввурни ишга солиб 3 та воқеа содир бўлгандаги жараённи ҳисобга олдик, иштирокчилар қоғозга ёзилган жараённи танлаб олиб бажарадилар. Шартимиз 5 баллгача баҳоланади.

1 – жараён - ари, чаён каби ҳашоратлар чакқанда кўрсатиладиган 1-ёрдам? - (...ўша жойни тезда оғиз орқали сўриб ташлаш ва новакаин; супрастинни мушак остига юбориш)

2 – жараён кўчада ёки уйда бирор кишининг юраги хуруж қилиб қолди. Қандай ёрдам берасиз?

3 – жараён – Теримизнинг беҳосдан бирор жой куйиб қолди. Қандай ёрдам бериш мумкин?

**6-шартимиз** – Эркин мавзу бўлиб, бунда иштирокчиларимиз ўзлари хоҳлаган мавзуда иштирок этишлари мумкин. Шарт учун 10 минут вақт берилади, 10 баллгача баҳоланади.

Азизлар! энди беллашувимиз бошласак. Беллашувни қайси оила биринчи бошлаб беришини қурра ташлаш йўли билан аниқлаб оламиз. *(Оилалар махсус тайёрлаб қўйилган рақамларни танлаб оладилар ва шу асосда беллашув охиригача давом эттирадилар. Беллашув шу шартлар асосида ўтказилади)*

## 1 - Оилага бериладиган саволлар:

1. “Лисон” сўзининг маъноси ? – (жавоб – Тил)
2. “Мантиқ ут тайр” кимнинг асари ? – (жавоб - Фариддин.Аттор)
3. 1 км неча метрдан иборат ?- (жавоб - 1000 м)
4. Қадимда газлама сотувчининг номи ?- (жавоб – Баззоз)
5. Картошканинг асл ватани қаер ? – (жавоб - Шимолий Америка)
6.  $H_2O$  нинг халқ тилдаги номи ?- (жавоб – Сув)
7. “Наврўз” сўзининг маъноси ?- жавоб - ”(форсча “Янги кун)
8. Ўзбекистон БМТ га қачон аъзо бўлган ?- (жавоб - 1992 йил 2 мартда)
9. “Иккинчи муаллим” номини олган ўрта осийлик қомусий олим ?- (жавоб - Абу Наср Фаробий).
10. Европаликлар “Буюк мўғуллар” деб атайдиган сулола ?- жавоб – Бобурийлар сулоласи).
11. Дунёдаги энг чуқур океан ? - (жавоб - Тинч океани).
12. Жаҳон адабиётида рубоийлари билан машҳур бўлган, асли математик, астроном олим ?- (жавоб - Умар Хайём)
13. “Сайқали рўйи замин аст” деб ном олган шаҳар?- (жавоб – Самарқанд).
14. Дарёда қандай тош бўлмайдиган?- (жавоб – Қуруқ тош).
15. Мақолни давом эттиринг: Яхши топиб гапирар...- (жавоб - Ёмон қошиб гапирар)

## 2-оилага бериладиган саволлар:

1. Лағмоннинг ватани қаер?- (жавоб – Хитой)
2. Ўзбекистон байроғида неча ранг бор?- (жавоб – 4 та: мовий, қизил, оқ, яшил).
3. 1 кг неча граммдан иборат?- (жавоб – 1000 грамм).
4. Дунёдаги энг шўр денгиз?- (жавоб - Ўлик денгиз).
5. Пахтанинг асл ватани қаер?- (жавоб - Шимолий Америка).
6. “Оқсоқ дарвеш” номини олган, 66 тилни билган венгер сайёҳи, “Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи” китоби муаллифи ким?- (жавоб - Херман Вамбери).
7. “Бу диёрнинг Ошлиғи вофир, меваси фаровон, қовун ва узуми яхши бўлур...” “Бобурнома” даги ушбу таъриф қайси шаҳарга берилган?- (жавоб – Андижон)
8. Мақолни давом эттиринг: Олтин ўтда билинади...- (жавоб - Одам меҳнатда билинади).
9. Англия пул бирлиги?- (жавоб - Фунт стерлинг)
10. Календарнинг асл ватанини айтинг?- (жавоб - Қадимги Миср)
11. Ўзбек тилининг лотин алифбосидаги ҳарфлар сони неча?- (жавоб – 29 та)
12. “Шошилич тез тиббий ёрдам” рақами?- (жавоб – 03)

13. “Шарқ Рафаэли”деб ном олган рассом?- (жавоб - Камолитдин Бехзод).
- 14.Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни?- (жавоб – 1 июнь)
- 15.Ўзбек куй ва кўшиқларини биринчи бор нотага туширган ўзбек бастакори?- (жавоб - Юнус Ражабий)

### **3-оилага бериладиган саволлар:**

- 1.Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти?- (жавоб -Ислом Абдуганиевич Каримов).
- 2.Мақолни даввом эттиринг: Булбул чаманни севар...(жавоб -Одам ватанин севар)
3. 2007 йили ”Ислом маданияти пойтахти”деб ном олган шаҳар?- (жавоб – Тошкент шаҳри)
- 4.Ўзбек тили Давлат тили сифатида нишонладиган кун?- (жавоб - 21 октябрь)
- 5.Қозоғистон пул бирлиги?- (жавоб – Танге)
- 6.Дунёда қитғалар нечта?- (жавоб - бта).
- 7.Лолалар ватани қаер?- (жавоб - Голландия (Нидерландия))
- 8.Дастлаб европаликлар “заҳарли олма” деб тувакда ўстиришган ва ейишмаган, ҳозирда эса энг кўп истеъмол қилинадиган сабзавот ҳисобланади - усиз ҳеч бир таомни тасаввур қилиб бўлмайди. Бу нима ?- (жавоб – Помидор)
9. “Аср вабоси ” деб номланаётган иллат?- (жавоб –гиёҳвандлик)
10. Ўзбек эркакларида у дастурхон, дастрўмол, сочиқ, ҳамён сифатида ҳам фойдаланилади. Бу нима ? – (жавоб - Белбоғ (чорси,қийиқ))
11. Жанубий Корея пул бирлиги?- (жавоб – Вон).
12. Кимононинг ватани қаер? – (жавоб – Япония).
13. Баҳорги тенгкунлик қайси кунга тўғри келади?- (жавоб - 21 март)
14. Ҳаж қилинадиган ой номи? – (жавоб - Зулҳижжа (Қурбон ойи))
15. Республикамизда халқ таълими ходимлари учун аталган даврий нашр, газетанинг номи ?- (жавоб - “Маърифат” газетаси)

***Айт-чи, ёдингдами, сен тугилган он,  
Ҳамма гирён эди,сен эса хандон.  
Шундай яшагинки, кетар чоғингда,  
Ҳамма гирён қолсин,сен эса хандон.***

**ёки**

***Азиз асримизнинг азиз онлари,  
Азиз одамлардан сўрайди қадрин.  
Фурсат ганиматдир, шоҳсатрлар-ла,  
Безамоқ чоғидир умр дафтарин.***

Ҳа, шоир айтганидек, умр дафтаримизни шоҳ сатрлар билан безамоқ учун олтиндан ҳам қимматли вақтимизни фақат эзгу сўз, эзгу фикр, эзгу амалга сарф этсак, танимиз соғ, қалбимиз нурафшон, оиламиз, Ватанимиз тинч бўлади. Тинчлик ҳукмрон бўлган юртда оилалар мустаҳкам, турмушлари эса фаровон бўлади.

Бугунги беллашувимизни яқунлаш учун сўзни Ҳакамлар хайъатининг раиси, Бобур номидаги Андижон вилояти ахборот-кутубхона маркази директори Гулнорахон Исмаилова берсак. *(Директор тадбир ҳақида ўз фикрларини билдириб, яқуний баҳони ва голиб оилани эълон қилади. Беллашув якунида ҳомий ташиклотларнинг вакилларига сўз берилади ва эсталик совгалари тақдим этилади)*

**Бобур номидаги Андижон вилояти Ахборот-кутубхона маркази**  
**Умумий ўқув зали сектори**  
***“Тоҳир Малик - эл ардоғидаги ёзувчи” мавзусида ўтказиладиган***  
***интеллектуал ўйин сценарийси***

Ўтказилиш жойи: \_\_\_\_\_  
Ўтказилиш вақти: \_\_\_\_\_

**Олиб борувчи:** Ассалому алайкум, “даврон элининг жисмида жон бўлган” мўътабар устозлар, азиз меҳмонлар, билимдон, зукко ўқувчи-талабалар! Ўзбекистон халқ ёзувчиси, ўзбек адабий фантастикасининг асосчиларидан бири бўлган севимли ёзувчимиз Тоҳир Малик таваллудининг 65 йиллигига бағишлаб “Тоҳир Малик - эл ардоғидаги ёзувчи” мавзусида ўтказилаётган интеллектуал ўйинимизга хуш келибсизлар!

“Ҳар қандай ижодкорнинг истеъдоди унинг қалбидаги дарднинг нечоғлик катталиги билан ўлчанади”, дейди мутафаккирларимиз. Маълумки, шахснинг кадр-қимматини, нуфузини белгилашда бошқа нарса-ходисалардан кўра, аввало, унинг маънавият соҳасида қўлга киритган ютуқлари салмоқли ўрин эгаллайди.

Ана шундай ютуқлар соҳиби, яратган насрий асарлари ўзга носирлардан ўзига хос услуби билан ажралиб турувчи, аксарият асарлари фантастик, илмий-фантастик ва саргузашт йўналишида бўлган ҳамда шу асарлари орқали ҳам ҳаёт, ҳам одамлар, ҳам жамият ҳақида анча кенг мушоҳада юрита олган севимли ёзувчимиз Тоҳир Малик ҳаёти ва ижодига бағишланган беллашувимизни очиқ деб эълон қилсак.

Ҳаммамизга маълумки, Тоҳир Маликнинг асл исм-шарифи Ҳобилов Тоҳир Абдумаликович бўлиб, 1946 йилнинг 27 декабрида Тошкентда зиёли оилада таваллуд топган. У ҳам баъзи тенгдошлари каби ўрта мактабни тугатгандан кейин кундузи қурилишда ишлаб, кечқурунлари Тошкент Давлат Дорилфунунининг журналистика бўлимида ўқиган. Мактабларда ўқитувчилик ҳам қилган. Фантастик асарлар муаллифи Тоҳир Малик бир неча

нашриётларда фаолият кўрсатибгина қолмай, жаҳон адабиёти намоёндаларининг айрим асарларини ўзбек тилига таржима ҳам қилган.

Тоҳир Малик ҳақидаги маълумотларга шу ерда нуқта қўйсақда, адиб ижоди борасидаги билимларини синаш учун бел боғлаган беллашувимиз иштирокчи гуруҳлари ва шартлари билан сизларни таништириб ўтсам. Беллашувда жами 17 та савол билан гуруҳларга мурожаат этилади. Ҳар бир савол муҳокамаси учун 1 дақиқа вақт ажратилади. Саволларимизга биринчи бўлиб тўғри ва аниқ жавоб берган гуруҳга ҳар бир тўғри жавоб учун 1 баллдан баҳо берилади. Агар биринчи гуруҳ томонидан берилган жавоб нотўғри бўлса, бошқа гуруҳ жавоб бериши мумкин. Балл тўғри жавоб берган гуруҳ ҳисобига ўтади. Беллашувда 5 нафар билимдонлардан иборат 2 та гуруҳ ўзаро билимларини синовдан ўтказадилар.

Энди гуруҳ иштирокчилари билан танишинг:  
“ \_\_\_\_\_ ” гуруҳи. Гуруҳ сардори: \_\_\_\_\_

Иштирокчилари

1. \_\_ 2. \_\_ 3. \_\_ 4. \_\_ 5. \_\_\_\_\_

Энди навбат “ \_\_\_\_\_ ” гуруҳига. Гуруҳ сардори: \_\_\_\_\_

Иштирокчилари: 1. \_\_ 2. \_\_ 3. \_\_ 4. \_\_ 5. \_\_\_\_\_

(Гуруҳ иштирокчилари бирин-кетин ўзлари учун ажратилган жойларни эгаллаб оладилар.)

**Олиб борувчи:** Ҳурматли қатнашчилар, ҳар бир беллашувда гуруҳлар жавобларини баҳолаб борувчи ҳакамлар ҳайъати бўлгани каби, бугунги бизнинг беллашувимиз ҳам бундан мустасно эмас. Сизларнинг ижозатингиз билан ҳакамлар ҳайъати раиси ва аъзоларини таништириб ўтсам. Марҳамат: ҳакамлар ҳайъати раиси:

Аъзолари: \_\_\_\_\_

Энди 17 та саволлардан иборат мана бу конвертни очсақда, беллашувимизни бошласак. (Олиб борувчи томонидан конверт очилади ва саволлар бирин-кетин гуруҳларга ўқиб эшиттирилади)

**1-савол:** Тоҳир Маликнинг фантастика йўналишидаги биринчи йирик асарининг номи нима ва у қачон нашр қилинган?

**(Жавоб: “Ҳикмат афандининг ўлими” 1972 йилда чоп этилган.)**

**2-савол:** Ёзувчи аксарият қайси йўналишда ижод қилиб келмоқда?

**(Жавоб: Фантастик, илмий-фантастик, саргузашт йўналишида)**

**3-савол:** Адиб айнан қайси рус ёзувчисининг қандай асарини ўзбек тилига таржима қилган?

*(Жавоб: Ф.М.Достоевскийнинг “Маъсума” қиссасини)*

**4-савол:** Ёзувчи қайси газета ва журналларда фаолият олиб борган?

*(Жавоб: Собиқ “Ленин учқуни” газетасида, “Гулистон”, “Шарқ юлдузи”, “Ёшлик” журналларида муҳаррир, бош муҳаррир, адабий ходим каби вазифаларда фаолият олиб борган)*

**5-савол:** Тоҳир Маликнинг ёзувчилар ижодий фаолиятини ёритувчи қайси бадиаларини биласиз?

*(Жавоб: Мирзакалон Исмоилий ижодий фаолиятини ёритувчи “Ёзувчининг бахти ва бахтсизлиги”, Асқад Мухтор ижодини таҳлил этувчи “Собир”, Абдулла Қодирий ижоди таҳлил этилган “Ибрат мактаби”, Ўлмас Умарбеков ижодига бағишланган “Қиёмат қарз” каби бадиалари)*

**6-савол:** Муаллифнинг хасад, қарғиш, мазах каби иллатлардан огоҳ этиб, сабр каби фазилатларга эришиш йўллари, ибратли келин, аёл, она бўлиш каби мавзулар, кўни-кўшничилик, меҳмондўстлик, вақт қадри, исрофгарчиликдан қочиш ва шу каби инсонни гўзал қилувчи фазилатлар хусусида сўз олиб борадиган ахлоқий китоби қандай номланган?

*(Жавоб: “Келинлар дафтарига”)*

**7-савол:** Чилстун, Чинний қаср, Кўҳак, Булоқбоши каби жой номлари, “пурдил, дорулшафақа, ошира, нависанда, тарҳ, сабоқдош, дилназир, волидаи жаҳон, волид, ножинс, шаҳриёр, шаҳидлар ва мажруҳлар, пойдор” каби тарихий ва эскирган арабча, форсча сўзлар адибнинг қайси қиссасида учрайди?

*(Жавоб: Адибнинг “Фалак” қиссасида)*

**8-савол:** Тоҳир Малик нечанчи йилда Ўзбекистон халқ ёзувчиси унвонига сазовор бўлган?

*(Жавоб: 2000 йилда)*

**9-савол:** Севимли ёзувчимизнинг жиноят оламини турли кўринишларда акс эттирган қайси асарларини биласиз?

*(Жавоб: “Алвидо, болалик”, “Чархпалак”, “Сўнгги ўқ”, “Шайтанат”, “Жиноятнинг узун йўли” ва бошқалар)*

**10-савол:** Ўзининг кучли истеъдодини оламда ягона ҳукмдор бўлишдек бемаъни истагини амалга оширишга сарфламоқчи бўлган, лекин совет олими Исмоил Умидов ва бошқа прогрессив олимларнинг зарбасига учраб, мағлуб бўлган Чарльз Лонг адибнинг қайси асари қаҳрамони ва бу асар ким билан ҳамкорликда ёзилган?

*(Жавоб: Чарльз Лонг адибнинг Б.Хошимхўжаев билан ҳамкорликда ёзилган “Заҳарли зубор” илмий-фантастик қиссаси қаҳрамони)*

**11-савол:** *-Дадаси, болаларимиз нега бемехр бўлиб қолдилар?*

*-Билмайман, онаси.*

*-Юзкўрмас бўлиб кетишса-я?*

*-Энди кеч онаси...*

*-Бир қоринга сиққан, катта ҳовлига сизгишмайдими?*

*-Тақдир шу экан, онаси.*

*-Тақдир? Гўрдаги азобларимиз каммиди? Агар ҳовлини иккига бўлиб девор олишса руҳимиз баттар нимта-нимта бўлмайdimи?*

*-Тақдир, онаси... бизнинг мукофотимиз шу экан...*

*Ушбу ўқиб эшиттирилган бадиий парча адибнинг қайси асаридан олинган?*

*(Жавоб: “Иблис девори” қиссасидан)*

**12-савол:** *Тоҳир Маликнинг қайси асари асосида ва нечанчи йилда 7 қисмли телефильм яратилган?*

*(Жавоб: 1994 йилда “Сўнгги ўқ” қиссаси асосида)*

**13-савол:** *Тоҳир Малик қайси нашриётларда фаолият кўрсатган?*

*(Жавоб: Ғофур Ғулом номидаги нашриётда 1981-82 йилларда муҳаррир ҳамда “Чўлпон” нашриётида 1985-87 йилларда бош муҳаррир бўлиб ишлаган)*

**14-савол:** *Ҳаммамизга маълумки, эл ардоғидаги адибимиз ҳужжатли кино соҳасида ҳам фаолият кўрсатган. Унинг сценарийлари асосида қандай ҳужжатли фильмлар яратилган?*

*(Жавоб: “Амир Темур даври адабиёти”, “Варахша”, “Унвони инсон”, “Соҳилсиз денгиз”, “Зулмат салтанати”, “Моштабиб” ва бошқалар)*

**15-савол:** *Тоҳир Маликнинг “Қалдирғоч” эпик асарида қандай мавзуда баҳс юритилган?*

*(Жавоб: Муаллифнинг “Қалдирғоч” эпик асарида Абдулла Авлоний тақдири мисолида 20-йиллар ўзбек зиёлиларининг шаклланиши ҳақида баҳс юритилган)*

**16-савол:** *Машҳур “Фарғона тонг отгунча” романи кимнинг қаламига мансуб ва бу муаллифнинг Тоҳир Малик билан қандай алоқадорлиги бор ҳамда Тоҳир Маликнинг бу инсон ҳақида ёзилган ҳужжатли қиссаси номини айтинг.*

*(Жавоб: “Фарғона тонг отгунча” романи муаллифи Мирзакалон Исмоилий бўлиб, Тоҳир Маликнинг ҳам тоғаси, ҳам устози бўлган. Тоҳир Малик бу инсон ҳақида “Озод инсон ҳақида қўшиқ ёхуд Мирзакалон Исмоилийнинг сўнгги нафаси” номли ҳужжатли қисса ёзган)*

**Олиб борувчи:** *Мана азиз билимдонлар, саволларимиз ҳам ўз поёнига етди. Энди сўнгги сўзни ҳакамлар ҳайъатига берсақда, ким ғолибу, ким мағлублигини билиб олсак. Марҳамат, ҳакамлар ҳайъати аъзолари, сўз навбати сизларга!*

*(Ҳакамлар ҳайъатидан бир нафар аъзо сўз олиб, билимдонлар тўплаган балларни эълон қилади.)*

**Олиб борувчи:** Беллашувимиз иштирокчи ва ғолибларини тақдирлаш учун сўз навбатини Бобур номидаги Андижон вилояти ахборот-кутубхона маркази директори Гулнорахон Исмаиловага берсак

.Тадбир иштирокчиларига ҳомий ташкилотларнинг эсдалик совғалари тақдим этилади. Тадбир иштирокчилари ўз фикр-мулоҳазаларини билдиради.)

**Олиб борувчи:** **Бойлик севгисига жой берса юрак  
Чўкиб кетажакмиз дунёга ва...  
Қалбларни босар пўпанак.**

Ҳа, билимга чанқоқ азиз ёшлар! Сизларнинг жажжигина қалбингизни фақат маънавият-маърифат чироқлари ёритишини, энг эзгу тилаклар, пок ниятлар, ҳар даврда улуғланиб келган инсоний фазилатлар эгаллашини тилаган ҳолда, ҳар бир нарсанинг ибтидоси бўлгани каби унинг интиҳоси ҳам борлигини, бугунги беллашувимиз ўз поёнига етганини баён этсак. Сизларнинг келгусидаги ўқиш ва ишларингизда омадлар ёр бўлсин! Ўтиборларингиз ва иштирокингиз учун ташаккур! Келгусида яна шундай тадбирларда учрашгунча ХАЙР!

### ***Суҳбат***

*Суҳбат оммавий тадбирнинг кичик шакли ҳисобланади. Унда асосан кириш қисмида танланган мавзу ёритилади, Сўнг эса мавзуга оид 3-4 та сўроқлар тузилади. Мана шу саволлар тадбир иштирокчиларига берилади. Бу эса мавзунини иштирокчилар қандай тушунганлиги ва ўзлаштирганлигини аниқлаш имконини беради.*

**Бобур номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази фойдаланувчиларга  
хизмат кўрсатиш бўлими Ишчи хизматчилар кафедраси  
“ЧИНГИЗХОН ТАН БЕРГАН ЎЗБЕК ЎҒЛОНИ”**

*Жалолиддин Мангуберди  
таваллудининг 815 йиллигига*

### **С У Ҳ Б А Т**

**Ўтказилиш вақти:** 18.03.2013 йил.

**Ўтказилиш жойи:** 33171 – х/қ

**Маъсул шахс:** Халилова Г.

Ассалому алайкум, Ватанимиз ҳимоячилари бўлган хурматли ҳарбий хизматчилар! Бугунги суҳбатимиз тарихда буюк ишлари, мардликлари, қаҳрамонлиги, юртпарварлиги, озодлик учун кураши билан лол қолдирган Жалолиддин Мангуберди ҳақида бўлади.



Инсон фақат бугунги кун билангина яшамайди, унинг қалбида эртанинг умиди ҳам бўй кўрсатиши табиий. Аслида бугун ҳам, эрта ҳам ўтмишдан андоза олади. Шундай экан, биз эртанинг умидида яшаётганлар оладиган андозаларимизнинг тарихини яхши биламизми? Бизларга ўрناк бўлувчи, бизларни улуғвор ишларга, яратувчиликларга ундовчи аждодларимизни яхши биламизми? Бу мангулик саволга ҳарбир авлод ўзича жавоб ахтармоғи аниқ.

Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрли, дейишади. Шу маънода истиқлолдан кейин мамлакатимизда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди. Аввало, тарихни, мозийни ўрганиш давлат аҳамиятига молик иш деб белгиланди. Шу асосда Имом Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний, Замахшарий, Ҳаким ат-Термизий, Амир Темур, Улуғбек, Нақшбандий, Бобур, Феруз сингари улуғ аждодларимизнинг, алломаларимизнинг ўлмас мероси ўрганилди. Бухоро, Хива каби шаҳарларимизнинг икки ярим минг йиллик тўйлари ўтказилди, тарихи тадқиқ этилди. Минг йиллик тарихга эга Маъмун академияси қайта тикланди ва фаолият кўрсата бошлади. Ўнлаб ноёб архитектура ёдгорликлари давлатимиз ҳомийлигида қайта тикланди. Мамлакатимиз Президенти юртимиз тарихини ўрганиш, халқимизни ўтмиш қадриятларидан баҳраманд этишда яна бир улуғвор ишни бошлаб берди. 1999 йилда Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини нишонлаш тўғрисида фармон чиқарди. Шу асосда Вазирлар Маҳкамасининг бу ҳақда қарори қабул қилинди. Фармон ва қарорда улуғ юртдошимиз хотирасини абадийлаштириш борасида кўп ишлар қилиш белгиланган. Тўй баҳонасида Ватан озодлиги йўлида жонини фидо қилгаг довурак курашчи, миллий қаҳрамон, жаҳон халқлари тарихида ўчмас из қолдирган буюк инсон, ватанпарварнинг ҳаёти, фаолияти, аждодлари тарихини тадқиқ этиш, у ҳақдаги тарихий ҳақиқатни тиклаш асосий мақсад қилиб қўйилди.

### **1. Жалолиддин Мангубердининг насл-насаби ҳақида маълумотлар**

Жалолиддин Мангуберди (тўлиқ исми Жалолиддин ибн Аловуддин Муҳаммад) 1198-1231 йилларда Хоразмда яшаб ўтган. Хоразмшоҳлар давлатининг сўнгги хукмдори (1220-31), моҳир саркарда бўлган. Отаси-Хоразм шоҳи. Муҳаммад Жалолиддин унинг тўнғич ўғли бўлган. Онаси-Ойчечак туркман канизакларидан бўлган. Жалолиддин бурнида холи (манк) бўлгани учун Манк-бурни номи билан аталган. Кейинчалик бу ном талаффузда ўзгариб “Мангуберди” номи билан машҳур бўлиб кетган. Жалолиддин Мангуберди вояга етқач, (1215й) отаси уни Ғазна, Бомиён, Ғур, Буст, Такинобод, Заминдовар ва Ҳиндистон ҳудудларигача бўлган ерларга ҳоким ва тахт вориси этиб тайинлаган. Бироқ Туркистон ва қипчоқ амирларининг қатъий норозилиги сабабли Қутбиддин Ўзлокшоҳ фойдасига ворисликдан маҳрум этилган. Жалолиддин Мангуберди отасининг ҳарбий юришларида иштирок этиб, ўзининг жасур жангчи, иқтидорли саркардалик қобилиятларини намойиш этган.

## 2. Жалолоиддин Мангубердининг Чингизхонга қарши кураши қандай кечган?

Чингизхон бошчилигида мўғул қўшинлари Мовароуннахрга бостириб кириб бирин-кетин шаҳарларни эгаллаб, Самарқандга яқинлашганларида Хоразмшоҳ Муҳаммад Каспий денгизи бўйида жойлашган Обескун шаҳри яқинидаги Ашур ададан паноҳ топган. Оғир бемор бўлган Муҳаммад ўғилларини ёнига чорлаб, сўнгги дамда Жалолоиддин Мангубердини ўз ўзига Хоразмшоҳ этиб тайинлаган. Жалолоиддин Мангуберди укалари Окшоҳ ва Қутбиддин Ўзлокшоҳлар билан Нишопурга келади ва бу ердан у барча вилоят хоқимларига номалар жўнатиб, мўғил босқинчиларига қарши бирлашишга давъат этди. 1221 йили у Ғазнага келганида бу ерда унга халаж қабиласи бошлиғи Сайфуддин Иғроқ, Балх волийси Аъзам малик, афғонлар сардори Музаффар малик, қарлуқлар бошлиғи Ҳасан Қарлуқ келиб қўшилдилар Уларнинг ҳар бири ихтиёрида 30 мингдан қўшин бор эди. Ж. Мангубердининг ўзидаги куч эса 60 минг суворий эди.

Чингизхон Жалолоиддин Мангубердига қарши Шиқи Хутуху нўённи 45 минглик қўшин билан жўнатади. Ғазна яқинидаги Парвон жангида Жалолоиддин Мангуберди мўғиллар устидан ажойиб ғалабани қўлга киритади. Бироқ жангдан сўнг Жалолоиддин Мангубердининг лашкарбошилари ўлжа устида ўзаро жанжаллашиб қолиб, оқибатда Сайфуддин Иғроқ, Аъзам малик ва Музаффар маликлар Жалолоиддин Мангубердини тарк этганлар. Жалолоиддин Мангубердининг ёнида фақат Аминалмулк ўз лашкари билан қолган холос. Бундан фойдаланган Чингизхон катта қўшин тўплаб Жалолоиддин Мангубердига қарши шахсан ўзи отланади. Ғардиз қалъаси яқинида Жалолоиддин Мангуберди Чингизхон қўшинини илғорини тор-мор келтиради ва кучи озлиги сабабли Синд (Хинд) дарёси томон чекинади. Чингизхон қўшини Жалолоиддин Мангубердини дарёдан ўтишга имкон бермай қуршаб олади. 1221 йил 25 ноябрда бўлган тенгсиз жангда мағлубиятга учраган Жалолоиддин Мангуберди 4000 жангчи билан Синднинг ўнг соҳилига сузиб ўтиб, чўл ичкарасига кириб кетади. Чингизхон Жалолоиддин Мангубердининг бу жасоратидан хайратда қолиб, ўз ўғилларига қараб: “Ота ўғил мана шундай бўлиши лозим!” , деган.

1227 йил сентябрида Исфакхондан 30 чақирим шарқдаги Син қишлоғи яқинида Жалолоиддин Мангуберди мўғилларнинг Тайнол нўён бошлиқ қўшинини енгган. Тайнол нўён Жалолоиддин Мангуберди ҳақида: “Замонасининг ҳақиқий баҳодири экан, ўз тенгқурларининг сарвари экан” , деган.

1230 йил 10 августда Арзинжон яқинидаги жангда Жалолоиддин Мангуберди кучлари мағлубиятга учрайди. Бундан фойдаланган мўғиллар катта қўшин билан бостириб кириб Мароға, Табризни эгаллаб (1231) Жалолоиддин Мангубердини таъкиб этишган. Майофариқин оз сонли қўшинини тор-мор келтирадilar. Ж.Мангубердининг ўзи эса кутилиб

Қурдистон тоғларига чиқиб кетган. Бу ерда қароқчилар қўлига асир тушиб, фожиали равишда ҳалок бўлган.

### **3. Жалололиддин Мангуберди шахс сифатида қандай фазилатларга эга эди?**

Жалололиддин Мангуберди ҳақида унинг шахсий котиби, тарихчи Насавий шундай ёзади: Жалололиддин қорачадан келган, ўрта бўйли, турк лафзли одам эди. Форс тилини ҳам яхши билар эди. Унинг ботирлигига келганда шуни айтиш керакки, султон арслонлар орасидаги энг кучли шер эди. Бир сўзли, кек сақламайдиган, очик кўнгил, тўғри одам эди. У жиддий шахс эди. Ҳеч қачон кулмасди. Жуда нари борса, жилмайиб кўярди. У адолатсизликларни ёмон кўрарди. Жалололиддин ўта қатъиятли, ниҳоятда иродали, мураккаб вазиятларда, тақдирнинг қалтис синовларида ўзини йўқотиб қўймайдиган фавқулодда мард ва ботир саркарда эди”.

### **4. Жалололиддин Мангубердининг номини абадийлаштириш учун юртимизда қандай ишлар амалга оширилмоқда**

Жалололиддин Мангубердига , унинг юрти Хоразмда ҳайкал ўрнатилди, йирик кўча, майдон, жамоа корхоналарига унинг номи берилди. Жалололиддин Мангуберди ҳақида видеофильм, достон, пьеса ва бошқалар яратилган. 2000йил 30 августда “Жалололиддин Мангуберди” ордени таъсис этилган.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзб. миллий энциклопедияси.-3том., Т., 2002.-б.536-538
2. Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий. Султон Жалололиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. –Т.: Ўзбекистон, 1999.
3. Ҳидоятлов А. Менинг жонажон тарихим. –Т.,1992
4. Каримов Ш. , Шамсуддинов Р. Ватан тарихи. –Т., Ўқитувчи, 1997.

БОБУР НОМИДАГИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ АХБОРОТ-КУТУБХОНА МАРКАЗИ  
УМУМИЙ ЎҚУВ ЗАЛИ СЕКТОРИ

**“ХОТИРА УЙҒОНСА ГЎЗАЛДИР”** мавзусидаги  
**суҳбат**

(9-май хотира ва кадрлаш кунига бағишланган)

Ўтказилиш вақти: \_\_\_\_\_

Ўтказилиш жойи: \_\_\_\_\_

Масъул шахс: \_\_\_\_\_

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримов ўз нутқларида “Ўз Ватани, эл-юртининг ёруғ келажаги, беғубор осмони учун жанг майдонларида ҳалок бўлганларни, ўз умрларини бевақт ҳазон қилган инсонларни доимо ёдда сақлаймиз. Бу аччиқ, лекин олий ҳақиқатни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ”, деган эди.

Истиклол шарофати билан юрт равнақи йўлида фидойилик кўрсатган аجدодларимиз руҳини хотирлаш, уларга эҳтиром кўрсатиш, шунингдек, бугунги ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол вояга етишида ўзининг улкан ҳаётий тажрибаси орқали ибрат бўлаётган кексаларимизни қадрлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Хотира ва Кадр. Бир-бирига чамбарчас боғлиқ бу тушунчалар моҳиятида инсон ақл-заковатининг бетакрор маънавий неъматлари, тирикликнинг азалий мезонлари ўз аксини топган. Инсон ҳаёти давомида нурли, қайғули, армонли, қўйингки, кўрган, билган, эшитган, бошидан кечирган барча нарсаларини, таъбир жоиз бўлса, “Тақдир” деб аталмиш улкан китобнинг “Хотира” бўлимига ўзи билиб-билмаган ҳолда қайд этиб бораверади. Вақти келиб, ўтмиш билан боғлиқ бу хотиралар ҳаётнинг паст-баландидан сўйловчи, тўғри йўл кўрсатувчи донишманд мураббийга айланади. Ана шундай пайтларда эса хотира кадр топади, кадриятга айланади.

Инсоният, қолаверса, ҳар бир миллат тарихий хотира билан тирик, барҳаёт. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, тарихий хотира билан яшаш, инсон хотирасини ёд этиш, ўтганларнинг хотирасига юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш-бу, асл миллий кадриятларимизда, анъаналаримизда катта ўрин тутаяди. Ана шу миллий кадриятларимиздан, анъаналаримиздан келиб чиққан ҳолда, ўн тўрт йилдан буён мамлакатимизда 9 май-Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиб келинмоқда.

Ер юзидан фашизм балосининг супуриб ташланиши билан ниҳоясига етган Иккинчи жаҳон уруши йиллари инсоният тарихидаги энг машъум давр сифатида мозий саҳифаларидан жой олди. Бу ғалабага осонлик билан эришилгани йўқ.. Бу ғалабанинг кадри жуда баланд. У фашистлар билан бўлган жангу жадалларда жон олиб, жон берган миллиолаб инсонларнинг ҳаёти, омборидаги сўнги ҳовуч буғдойини ҳам фронтга жўнатган, кунни тунга улаб далада заҳмат чеккан юртдошларимизнинг матонатли меҳнати эвазига қўлга киритилган.

“Агар уруш арафасида Ўзбекистонда 6,5 миллионга яқин аҳоли яшаган бўлса, шундан 1,5 миллиони урушда бевосита иштирок этган. Ёш гўдак ва болаларни, қариялар ва аёлларни ҳисобга олмаганда, халқимизнинг 40 фоиздан кўпроғи қўлига қурол олиб, жангу жадалларда қатнашган. Ва бу даҳшатли қирғинда қарийб 500 минг юртдошимиз, яъни урушда қатнашганларнинг 30 фоизи ҳалок бўлганини инобатга оладиган бўлсак, эришилган ғалабанинг кадр-қиммати нечоғли баланд экани, Ўзбекистон халқининг фашизмга қарши курашга қандай катта ҳисса қўшгани яққол намоён бўлади. Бу ҳақиқатни ҳеч

ким, ҳеч қачон унутмаслигини истардим, қолаверса, талаб қилардим”,-дея таъкидлайди Президентимиз.

Фашизмга қарши курашда ҳалок бўлган юртдошларимизнинг хотирасини, жангу жадалларда кўрсатган жасоратларини унутиш мумкин эмас, унутиб бўлмайди. Шу биос истиқлол йилларида мамлакатимизда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабага бўлган муносабат тубдан ўзгарди. 1999 йилдан буён 9 май республикаимизда Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонланиб келмоқда. Нафақат пойтахтимиз, балки вилоят, шаҳар ва туман марказларида Хотира майдонлари ташкил этилди. Бу биринчи галда, урушда ҳалок бўлган, фронт ортида меҳнат қилган юртдошларимизга бўлган ҳурмат ва эътибор намунаси бўлди. Ҳар йили байрам куни бу муқаддас масканлар анвойи гулларга бурканади, мамлакатимиз аҳли дориломон кунларимиз учун ҳалок бўлганлар хотирасини ёд этадилар. Ҳар бир маҳаллада, меҳнат жамоасида уруш ва меҳнат фахрийлари учун тадбирлар уюштирилиб, эътибор кўрсатилади. Бу йил ҳам Президентимиз томонидан 2013 йил 25 апрелда имзоланган “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармонида кўрсатилганидек, 9 май умумхалқ байрами –Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 68 йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида иккинчи жаҳон уруши ва ногиронларига 500 000 (беш юз минг) сўм миқдоридан бир марталик пул мукофоти берилиши Уруш ва меҳнат фахрийларига давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик, эътиборнинг яққол бир намунасидир.фахрийларимиз бундай ғамхўрликни ҳар доим ҳис қилиб туришади. Бугунги бахтиёр даврни кўриш, истиқлолга эришган диёрда яшаш фахрийларимиз учун катта бахтдир. Юртимиз доимо тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Уруш кўрган инсон тинчлик нақадар буюк неъмат эканини, уни асраб-авайлаш нечоғли муҳимлигини яхши билади. Бугунги авлод мана шундай мунаввар кунлар учун курашган, жонини қурбон қилган юртдошларимиз хотирасини қалбида сақлаш, жасоратлари олдида бош эгиши табиий. Зеро, давлатимиз раҳбари айтганидек, тарихий хотира- бу, аввало, ҳаёт мазмунини, авлодлар ўртасидаги ворислик туйғусини англаш демақдир.

## ТАХМИНИЙ САВОЛЛАР

1.Иккинчи жаҳон урушидаги Ўзбекистонлик қаҳрамон номини айтиб беринг .

**Жавоб:Тошкентлик Собир Раҳимов.**

2.Ҳаммамиз биламизки, уруш вақтида Шомахмудовлар оиласи 14 нафар етим болани ўз бағрига олиб тарбиялаган. Бу оила ҳаётига бағишланган “Сен етим эмассан”фильмида ўзбек аёли Фотима опа ролини ижро этган, машҳур актрисанинг исмини айтинг.

**Жавоб:Лутфихоним Саримсақова.**

3. Иккинчи Жаҳон уруши йилларида барча жангчилар қаторида ҳамшаҳарларимиз ҳам қаҳрамонлик кўрсатган. Ўша қаҳрамонлар ким эканлигини биласизми?

**Жавоб:**

**1.Неъматжон Ҳакимов (10-мактабда ўқиган)**

**2.Останоқул Шокиров (10-мактабга номини берган)**

**3.Кўчқор Турдиев ( Ойимлик)**

## **Маънавий-маърифий ишлар бўйича ёшлар билан ишлаш сектори “ОҚ АЖАЛНИНГ ҚОРА ҚИСМАТИ”**

(26 июнь – Бутунжаҳон гиёҳвандликка қарши курашиш кунига)

### **Сухбат**

Ўтказиш жойи: \_\_\_\_\_

Ўтказиш вақти: \_\_\_\_\_

Иштирокчилар: \_\_\_\_\_

Ассалому алайкум, азиз ўқувчилар!

Мустақил Ўзбекистонимизнинг келажаги бўлган ёшлар, ўсмир ёшдаги йигит-қизлар!

Бугунги кунда юртимиздаги барча ташкилотларда, ўқув муассасалари ва маҳаллаларда аср вабоси дея ном олган гиёҳвандликка қарши курашиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Биз ҳам бугун сизлар билан айнан шу масала бўйича сухбат ўтказиш учун учрашдик.

Кимки “Мен наркотикларни татиб кўришим мумкин, кўрқинчли ҳеч нарса содир бўлмайди, хоҳлаган вақтда ташлашим мумкин” деб ўйласа, хато қилади!

Гиёҳванд моддаларнинг асоратлари ҳақида маълумотларга эга бўлиш, сизга бу оғу домидан сақланишда ёрдам беради деб умид қиламиз.

Одатда, гиёҳванд модда сотувчиларнинг аксарияти бу оғуни ўзлари истэмоқ қилмайдилар.Сабаби, бу оғу инсонни нафақт саломатлигидан, балки ёру дўстлари, касби, уй-жойидан ҳам маҳрум қилишини улар яхши билишади. Бу оғу инсонни ўзига батамом тобе қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳам гиёҳвандликнинг олдини олишда муҳим ҳуқуқий асос бўлди. .

Тамаки ўсимлиги жаҳон миқёсида махсус экилиб кўпайтирилади. Тамаки гиёҳидан турли хилдаги сигаретлар, танасидан мохоркалар, шунингдек, нос ҳам тайёрлана-ди. Тамаки гиёҳидан тайёрланган моддаларни чекиш инсон саломатлиги учун ўта зарарлидир. Кашандалар ва нос-кашларнинг аксарияти ўпка раки, асаб, бўғма касалликлари билан оғрийдилар.

Кашандалик саломатлик учун ниҳоятда зарарли одатлардан саналади. Сигарет чекиш натижасида унинг таркибидаги никотин моддаси инсон

аъзоларига кўзгатувчи таъсир кўрсатиб, қон босимини оширади, майда томирларни янада торайтиради, нафасни тезлаштириб, овқат ҳазм қилиш тизимининг ширасини кўпайтиради.

Чекиш жараёнида никотин ва тамаки тутуни таркибидаги бошқа моддалар инсон аъзоларини заҳарлайди. Чекувчиларнинг ҳадеб йўталадиган бўлиб қолиши ана шундандир. Кашандалик оғиз бўшлиғи, томоқ, нафас йўлларида ўсмалар пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Чекувчи одам касал бўлганда унинг соғайиши ҳам оғир кечади.

Чекиш мия қувватининг пасайишига олиб келади.

Наркотик моддаларнинг қайси турини истеъмол қилишдан қатъий назар, ҳаммаси ҳам наслга ёмон таъсир этади, гиёҳванд аёл ёки эркакнинг фарзандлари туғма ногирон, майиб-мажруҳ, ақли заиф, жисмонан ривожланмайдиган бўлиб туғиладилар.

Ҳурматли ўқувчилар, энди суҳбатимизни савол-жавоб тариқасида давом эттираемиз, ҳозирги бериладиган саволларимиз орқали сизларнинг гиёҳванд моддалар ва гиёҳвандликнинг салбий оқибатлари тўғрисидаги маълумотларни қай даражада билишингизни аниқлаймиз.

**Савол: Одам қандай қилиб гиёҳванд моддага тобе бўлиб қолади?**

**Жавоб:** Озгина татиб кўрилган гиёҳванд модда одамни кайф қилади. Уни турли хил алдамчи ҳиссиётлар тўлқинига ғарқ қилади.

Татиб кўрганда пайдо бўлган “лаззат”ни қайта ҳис этиш хумори нашавандларни гиёҳванд моддаларни қайта-қайта қабул қилишга ундайди. Гиёҳванд моддалар айнан ана шундай “алдамчи хислати” билан одамларни ўзига тобе қилиб кўяди.

Шуниси ачинарлики бу иллат тамаки чекишдан бошланади. Сўнг наша чекишга ўтиб, кучли тобелик юзага келади. Кейинчалик хуморни наша чекиш билангина қониқтириш қийин бўлиб, киши гиёҳванд моддани томир орқали қабул қилишга ўтади.

1-3 мартадан сўнг киши шу моддаларга боғланиб қолади.

**Савол: Гиёҳванд моддалар одам организмга қандай ўзгаришларни юзага келтиради?**

**Жавоб:** Гиёҳванд модда организмни заҳарлайди. Тана аъзолари, шу жумладан бош мия фаолиятини бузиб, уларда қайтмас ўзгаришларни юзага келтиради.

Ақл заифлашади. Хотира пасаяди. Билим ва маълумотлар қабул қилиш қобилияти пасаяди. Ҳаётга бўлган қизиқиш ва интилишлар сусаяди. Инсоннинг бирон касб эгаллаш лаёқати йўқолади. Одам учун гиёҳванд моддани кўлга киритиш ва яна бир бор қабул қилиш бирдан бир мақсадга айланади. Бу мақсад йўлида ўғирлик, талончилик, босқинчилик каби жиноий ишлар қилишдан ҳам тоймайди. Гиёҳвандлар иродасиз, тажовузкор ёки кўрқоқ бўлиб қолишади.

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкуриси-халқ этиқоди ва буюк келажакка ишончдир.-Т.: Ўзбекистон, 2000.-32б
2. Каримов И.А. Умидим ёшлар.-Т.: Академия нашриёти,1999.-30б
3. Ҳулақмедов А. Инсоният бошидаги умумий офат. //Ҳаёт ва қонун.- №3-2003.-Б.34-36
4. Таълим муассасаларида гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишни олдини олиш бўйича асосий йўналишлар. "ЎЗАЖБХ" маркази.-Т.: 2002.
5. Ш.Жабборов. Огоҳ бўл! //Халқ сўзи. 2003.-12 май.
6. Абдусаматова Д. Гиёҳвандлик-аср вабоси.//Миллий тикланиш.-2011.- 2 март.
7. Мамадалиев З. Дунёни ларзага солаётган фожиа.//Инсон ва қонун- 2012.-28 фев.
8. Мўминов Б. Биз гиёҳвандликка қаршимиз.(Гиёҳвандликка ёшларнинг фикри).//Хуқуқ олами.-2011.-10 март.
9. Низамов А. Гиёҳвандлик ва соғлом турмуш тарзи.//Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш.-2012.-6 янв.
10. Умрзоқов Ш. Ўзимга боғлиқ масала.(Наркомания хақида).//Хуқуқ.- 2012.-26 янв.

### **Обзор**

*Обзор ҳам оммавий тадбирларнинг кичик шаклига киради. Обзорда белгиланган мавзу ёритилган ҳолда, ушбу мавзуга оид АКМ ёки АРМ бўлимларидаги адабиётлар мавжудлиги ҳақида ахборот берилган ҳолда, 3-5 номдаги ушбу адабиётларга библиографик тавсиф берилади.*

### **Бобур номидаги Андижон вилояти ахборот-кутубхона маркази Фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш бўлими «Ахборот-ресурс марказларида компьютер тизимлари билан ишлаш этикаси»**

*(обзор)*

Ўтказиш жойи – \_\_\_\_\_  
Ўтказиш вақти – \_\_\_\_\_  
Қатнашувчилар – \_\_\_\_\_

*Этика инсонлар фаолиятини яхши ёки ёмонга ажратиб беради, яъни эзгулик нимаю ёвузлик нималигини белгилаб беради.*

Илгариги компьютер аксарият оддий фуқаролар учун цивилизациянинг етиб бўлмас мўъжизаси каби туюлган даврда этик стандартларнинг йўқлиги унчалик катта муаммо эмасди. Лекин янги технологияларнинг жадал ривожланиши ҳамда барча соҳаларнинг компьютерлаштирилиши натижасида



компьютер этикаси муаммосини кўриб чиқишга тўғри келди. Зеро, "компьютер жиноятчилиги" ва "компьютерли хийлалар" каби сўзлар тез-тез ишлатила бошланди.

Шунинг учун олимлар компьютер этикаси кодексларини ишлаб чиқиш ҳақида бош қотира бошладилар. Ҳисоблаш техникаси ассоциацияси ана шундай кодексларни тезлик билан ишлаб чиқди ва дунёнинг бошқа давлатларида ҳам бу кодекслар қабул қилинди.

Амалда бу кодекслар тўртта принцип асосига қурилган:

- шахсий ҳаёт сирлиги принципи;
- аниқлик - маълумотларни қайта ишлаш ва тизимларни эксплуатация қилиш қўлланмасига тўлиқ риоя қилиниши билан боғлиқ меъёрларнинг назорат қилиниши;
- хусусийлик - хусусийлик дахлсизлиги;
  - рухсатга эга бўлиш - фуқароларнинг исталган жойда ва исталган вақтда маълумотларга эга бўлиш ҳуқуқи;

Ахборот-кутубхона марказларидаги ахборот технологиялари мутахассислари иш фаолиятида компьютер тизимларига алоқадор асосий муаммолар китобхонлар билан боғлиқ.

Маълумки, бирор илмий-техник янгилик қанчалик фойдали бўлса, унинг салбий натижалар бериш эҳтимоли ҳам шунчалик кучли бўлади. Ҳозирги кунда кутубхоналаримиз иш фаолиятида компьютер тизимлари ва интернет тармоғи оддий ҳолат ҳисобланади. Кутубхонадан фойдаланиш жараёнида ходимлар ва китобхонларни қандай муаммо ва қийинчиликлар кутмоқда?

Кутубхона компьютерларининг локал тармоққа ва Интернет тармоғига уланиши маълумотлар алмашиш самарадорлигини оширади. Лекин ахборот технологиялари самарадорлиги қанча оширилса, этик муаммолар билан шунча кўп тўқнашишга тўғри келади.

Компьютер-китобхон тизимида учрайдиган асосий этик муаммоларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- тажрибасиз китобхон томонидан компьютердан нотўғри фойдаланиш;
- китобхоннинг баъзида компьютернинг қайсидир виртуал муҳитига боғланиб қолиши, турли компьютер ўйинлари билан вақт ўтказиши;
- зарарли дастурлар яратиш, шу жумладан, компьютер вирусларини яратиш;
- компьютер безорилиги, яъни дастурий ва алоқа тизимларини бузиш (хакерлик).

Китобхон томонидан ахборот технологиялари воситаларининг ишдан чиқарилиши, бузилиши, компьютер вирусларининг яратилиши ва бошқа шу каби ҳодисалардан кўринадики, китобхонда ўзини ёмон тутиш ҳодисаси вужудга келмоқда.

Америкалик педагог ва психолог Рудольф Дрейкурс томонидан ишлаб чиқилган ўзини ёмон тутиш ҳодисаси таснифланиши ҳақиқатга анча яқин кўринади. Унинг фикрича, 90% ҳолатда қуйидаги тўрт омилдан бири сабаб

бўлади: эътиборни жалб қилиш, бошқарувни қўлга олиш, қасд қилиш, омадсизликдан қочиш.

Масалан, шундай китобхонлар борки, улар компьютерда маълумотлар алмашувни қийинлаштирадиган, турли хил ноқулай ҳолатларни келтириб чиқарадиган рекламали дастурлар яратишади ва уни бошқа компьютерларга кўчириб, операцион тизим ишга тушганда, автоматик тарзда ишлайдиган ҳолатда сошлаб қўйишади. Умуман олганда, асосий дастурларга зарар келтирувчи вирус-ларни яратиш қийин иш эмас. Бу ҳол, асосан, эътиборни жалб қилиш мақсадида амалга оширилади.

Бошқа бир ҳолат-китобхонлар компьютер ресурсларида ишлашни чеклаб қўйиши натижасида у доимий парол сўрайдиган бўлиб қолади.

Бундай чеклаш компьютерни ҳар хил вируслардан ҳимоялаш мақсадида қўйилган бўлса-да, бунинг ўзи ҳам вируслар каби зарарлидир. Бунинг натижасида барча фойдаланувчилар, ҳатто мутахассислар ҳам паролни териб беришни сўраб унга мурожаат қиладилар. Бу ишларни амалга оширишдан асосий мақсад бошқарувни қўлга олиш ҳисобланади.

Баъзи бир талаба китобхонлар борки, уларнинг физика, биология каби фанлардан ўзлаштириши ёмон, лекин дастурлаш бўйича юқори билим ва малакага эга. Булар ўзлаштириши керак бўлган фанларни ўрганишга сарфлайдиган вақтини турли дастурлаш тилларини ўрганиш ва мураккаб дастурларни яратишга сарфлайдилар. Натижада ўша фанлардан ўзига яхшигина баҳоларни қўйиб олади. Улар хоҳлаган вақтда хоҳлаган фандан компьютерда ўтириб ўрганишим ва имтиҳон топширишим, натижада аъло баҳога эга бўлишим мумкин, деб ўйлашади. Ўзини бундай тутувчиларни омадсизликдан қочишга уринувчилар синфига киритиш мумкин.

Бундай ишларни қасддан, аниқроқ қилиб айтсак, қасос олиш мақсадида қиладиганлар ҳам йўқ эмас.

Ҳозирги кунда тажриба шуни кўрсатадики, китобхонлар томонидан компьютерларнинг ишдан чиқарилиши мутахассислар учун ортиқча меҳнат ва қийинчиликлар туғдиради. Бу ҳолат нафақат қасддан, балки китобхонларнинг тасодифий хатолари сабабли ҳам келиб чиқмоқда.

Иш фаолиятимизда компьютерлар бизга фойда келтирадимми ёки зарарми? деган саволнинг қўйилиши, бизнинг фикримизча, унчалик тўғри эмас.

Инсон компьютердан зарар келтириш ёки эзгулик мақсадидаги ишида бир курилма сифатида фойдаланиши мумкин. Демак, компьютернинг зарари муаммоси - бу унинг инсон томонидан фойдаланилиши муаммосидир.

Ҳозирда ўта кучли замонавий ахборот технологиялари билан қуролланган инсоннинг ҳаракати самарадорлиги жуда юқори. Бу нафақат жамият, балки ўша инсоннинг ўзига ҳам хавф солади. Буни ҳар бир кутубхона ходими, асосан, ахборот технологиялари билан ишлайдиган ходимлар тушуниши лозим.

Китобхонлар билан ахборот технологияларидан ғаразли мақсадларда фойдаланишнинг зарарлари тўғрисида суҳбатлар ўтказиб турилиши

лозим. Бунда компьютерлар билан ишлаш этикаси, интернетдан фойдаланишнинг хавфли томонлари каби мавзулар бўйича фикр алмашиб туриш керак. Бундан ташқари, китобхонларга ўзини ёмон тутиш ҳодисаларининг салбий оқибатлари ҳақида маълумотлар бериш ва буни тажрибада кузатилган мисоллар билан тушунтириш ҳам анчаги-на фойда беради. Ҳозирги XXI асрда - техника жадал ривожланиб бораётган асрда янги-янги технологияларни жамиятимизнинг турли жабҳалари орқали улкан муваффақиятларга эришишни олдимизга мақсад қўяр эканмиз, бу мақсадга эришиш йўлида учрайдиган муаммоларни олдиндан кўра билишимиз ва уларнинг олдини олишга уринишимиз ҳар биримизнинг муҳим вазифамиз бўлмоғи керак. Шундай экан, янги ахборот технологияларидан фақат эзгу мақсадларда фойдаланиб, бу технологиялар билан тўғри мулоқот қилиш этикасини бутун оммага етказиш борасида дадил қадамлар ташлашимиз лозим.

### **Тавсия этилган адабиётлар:**

1. Ахборот-ресурс марказларида компьютер тизимлари билан ишлаш этикаси // Kutubxona.uz. – 2009.- №4
2. InfoCOM.Uz.-2012.-№1
3. Эшкабилов С.Л. Интернет-ахборот қидируви.- Т.,2006
4. «Интернет ва ундан фойдаланиш асослари» Мараҳимов А.Р., Раҳмонқулова С.И. Тошкент. – 2002.
5. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

### **Викторина-1**

Викторина ўтказиладиган залда мавзуга оид китоб кўرғазмасини ташкил этиш тавсия этилади. Викторина оммавий тадбирларнинг ўйин шакли ҳисобланади. Саволлар рақамлари доска тарзидаги таблога ўйин турларига бўлинган ҳолда қўйилади.

Ўйин шарти

Қатнашувчилар:

Бошловчи (1 ёки 2 нафар)

4 кишидан иборат 2та беллашувчи гуруҳ.

Ўйинда 4 кишидан иборат икки гуруҳ иштирок этади. Кўп очко тўплаган гуруҳ ғолиб деб топилади. Ўйин уч турда: 1,2 ва якунловчи “ўз ўйининг” тарзида ўтказилади.

1-турда 3 та мавзу бўлиб, ҳар бир мавзуда 4 тадан савол берилган. Саволларнинг мураккаблигига қараб баллар белгиланган. Тур барча саволлар ўйналиб бўлгунга қадар давом этади. Жавоби ўйналиб бўлинган карточкалар таблодан олиб қўйилади.

2-тур ҳам ҳудди 1-тур каби ўтказилади, фақат жавобнинг баллари икки баравар юқори қилиб белгиланади.

Яқунловчи “ўз ўйининг” да битта мавзу таклиф этилади. Ҳар иккала гуруҳ иштирокчилари савол балларини ўзлари белгилайдилар ва уни карточкага ёзиб бошловчига берадилар. Жавобни бошқа карточкага ёзиб уни ҳам бошловчига берадилар. (белгиланадиган балл йиғилган баллардан ошиб кетмаслиги керак). Агар жавоб тўғри бўлса гуруҳ аъзолари карточкага ёзиб берилган балларини ютиб оладилар, агар жавоб нотўғри бўлса карточкадаги сон аввалги йиғилган очколардан олиб ташланади.

Ўйин аввалида (*1-тур*) гуруҳ мавзулардан бирини танлайди ва саволнинг рақамини танлайди. Бошловчи ушбу рақамдаги саволни ўқиб беради. Жавобни қайси гуруҳнинг ўйинчиси биринчи бўлиб топса, гуруҳ эмблемасини кўтаради. Тўғри жавоб учун гуруҳга саволнинг очкоси тақдим этилади, нотўғри бўлса, очко олиб ташланади.. Кейинги саволга ўтиш ҳуқуқи тўғри жавоб берган гуруҳга берилади.

### **Бобур номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази**

#### **Фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш бўлими “Ишчи- хизматчилар” кафедрасининг \*\*\*\*-ҳарбий қисм билан ҳамкорликда ўтказиладиган “Соҳибқироннинг маънавий мероси” мавзусидаги викторина СЦЕНАРИЙСИ**

**Ўтказилиш вақти:** \_\_\_\_\_

**Ўтказилиш жойи:** \_\_\_\_\_

**Маъсул шахс:** \_\_\_\_\_

“Амир Темур ўз давлатини ақл- заковат  
ва ҳуқуқий асос билан идора этган”

Ислом Каримов

**Олиб борувчи:** Ассалому алайкум Ватанимиз ҳимоячилари бўлган ҳурматли ҳарбий хизматчилар! Мустақил Ўзбекистонимиз йигирма бир ёшга тўлди. У кун сайин ўсиб-улғайиб, куч-қудратга тўлиб бормоқда. Миллий давлатчиликнинг тикланиши халқимиз тақдирида мислсиз аҳамият касб этди.

Ўзлигини англашга бел боғлаган ҳар бир халқ ва миллат аввало буюк аجدодлари, сиёсий, ҳарбий арбоблари ва улуғ алломаларининг мамлакат, қолаверса, жаҳон тарихида тутган ўрни, хизматларини эъзозлашни ўрнига кўяди, бошқаларга ҳам уни эътироф этдиради. Биз тутган бу йўл буюк соҳибқирон Амир Темур, Аҳмад Яссавий, Мирзо Улуғбек, Исо Ат-Термизий, Имом ал-Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Нажмиддин Кубро ва бошқа

алломаларимизнинг таваллуд топган саналарини нишонлашда ўз исботини топди. Улардан бири Буюк давлат арбоби, саркарда, соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 677 йиллиги кенг нишонланади.

Улуғ бобомиз Амир Темур кўхна шаҳар Шаҳрисабзга қарашли Ҳожа илғор қишлоғида 1336 йил 9 апрель куни туғилган. Отаси Тарағай Баҳодир Марказий Осиёнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта нуфузга эга бўлган барлос қавмидан чиққан ўртаҳол беклардан бўлиб, Чигатой хонларидан Қозонхон (1338-13460) лашкарида хизмат қиларди. Онаси Такина бегим ҳам наслу насаб жиҳатдан аслзодалар жумласидан эди.

Амир Темурнинг ёшлиги ҳақида маълумотлар кам учраса-да, айрим манбаларга қараганда, у ёшлигида хат-савод чиқариб, ўз даврининг тиббиёт, риёзиёт, фалакиёт, меъморчилик ва тарих илмларини ўрганган.

Амир Темур сиёсат майдонига кириб келган пайтда, Мовароуннаҳр мўғуллар истибдоди остида бўлиб, Чингизхон ва Ботухон босиб ўтган шаҳар ва қишлоқлар вайронага айланган, сув иншоотлари бузиб ташланган ёки ишга яроқсиз ҳолга келтирилган, Чингизхон Мовароуннаҳрни ўзининг иккинчи ўғли Чигатойхонга суюрғол сифатида инъом қилган эди.

Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятида икки давр яққол кўзга ташланади. Биринчи даври (1360-13850 Мовароуннаҳрни мўғул хонлигидан озод қилиб, ягона марказлашган давлат тузиш, ўзаро урушларга барҳам бериш. Иккинчи даври (1386-1405) эса икки йиллик, уч йиллик, беш йиллик, деб аталувчи бошқа мамлакатларга юришлари билан характерланади.

Амир Темур тарихчилар тасвирича, Ўрта асрнинг атоқли давлат ва ҳарбий томонлари билан бирга муҳим фазилатларини ҳам таъкидлаб ўтганлар. “Темур тузуклари”да давлат тизими, давлатдаги турли лавозимларнинг вазифаси, ундаги турли тоифалар ва уларга муносабат, давлатни бошқаришга асос бўлган қоидалар, қўшинларнинг тузилиши, тартиби, уни бошқариш, таъминлаш, рағбатлантириш, қўшин турларининг тутган ўрни ва ўзаро муносабати каби масалалар баён этилади.

“Темур тузуклари”ни инглизчадан француз тилига таржима қилиб, 1787 йилда нашр этган француз олими Лянглэ Темур ҳақида шундай ёзади: “Темур хон (Темур) сиёсий ва ҳарбий тактика ҳақида рисола ёзган ва ўз авлодларига жуда доно тизим қолдирган. Биз буни тасаввур ҳам қилмаган эдик ва унинг урушларини босқинчилик ва талон-тарож деб баҳолаб келган эдик. Деярли энгиб бўлмайдиган икки тўсиқ – биздаги таассуб ҳамда тарихий ноҳақлик Темурни билишимизга ва тўғри баҳолашимизга халақит бериб келди”

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Амир Темур давлат, жамият ҳаётида бўлиб ўтадиган ҳар бир муҳим режа олдидан кенгаш ўтказар ва бу кенгашга нафақат давлат арбоблари, саркардалар, темурзодаларни, балки саййидлар, шайхлар, илм-фан арбобларини ҳам таклиф этган ва ўзининг ҳар бир юриши олдидан бундай кенгашларни ўтказиб туришни одат тусига киритган.

Амир Темур илм-фан, маънавият аҳлига эътибор, меҳрибонлик кўрсатиб, улардан жамият маданий ҳаётида фойдаланишга интилар экан, тарихчи Ибн

Арабшоҳ ёзганидек, “Темур олимларга меҳрибон, саййиду шарифларни ўзига яқин тутар эди. Уламо ва фузалога тўла иззат-ҳурмат кўрсатиб, уларни ҳар қандай одамдан тамом муқаддам кўрарди. Уларнинг ҳар бирини ўз мартабасига қўйиб, иззату икромини унга изҳор қиларди.

Амир Темурнинг Осиё, умуман жаҳон тарихидаги хизматлари ва тутган ўрни ҳақида хулоса қилиб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш жоиздир: амир Темур Марказий Осиёни мўғуллар исканжасидан озод этишда барча юртпарвар кучларни уюштириб, уларни мустақиллик учун курашга йўналтирган етакчи раҳбар, ерли халқнинг бу соҳадаги орзу-умидларини рўёбга чиқишига улкан ҳисса қўшган саркардадир; Амир Темур кўп йиллар давомида мустамлака бўлиб, чет эллик ҳукмдорларга бўйсуниб келган Мовароуннаҳр ва Хуросонда ўз юрти, халқининг куч-қудратига таянган мустақил ва ягона давлат барпо этаолди.

. Сўнги йилларда Амир Темур ва унинг даврини ўрганишга бағишланган катор манбалар, китоблар, жумладан, Бўрибой Аҳмедовнинг Амир Темур ҳақидаги катта роман-хроникаси нашр этилди. Ўзбекистон Президентининг фармони билан 1996 йил- Амир Темур йили деб эълон этилиши ва бу сана жаҳон миқёсида нишонланиши Амир Темур номи оқланиб, ўзбек халқига бутунлай қайтганига ёрқин далилдир.

Ҳурматли ҳарбий хизматчилар. Бугун биз Амир Темурнинг ҳаёти ва ижоди бўйича **“Соҳибқироннинг маънавий мероси” мавзусидаги викторинага** саволлар тайёрлаб келганмиз. Бу саволлар сизларда албатта қизиқиш уйғотади деган умиддамиз. Бугунги викторинада 45605-ҳарбий қисмнинг 2 та гуруҳи ўзаро беллашади.

### **Викторина саволлари.**

**1-савол:** Амир Темурнинг тўлиқ исми?

**Жавоб:** *Амир Темур ибн Амир Тарагай ибн Амир Барқул.*

**2- савол:** 1370 йил баҳорида Амир Темур амир Хусайнга қарши жанг қилиш учун йўлга чиқади. Қўшин Термиз яқинидаги Биё қишлоғига етганда Маккалик шарифлардан Саййид Барака Амир Темур фаолиятини қўллаб-қувватлаб, унга олий ҳокимият рамзи сифатида – 2 та нарса тортиқ қилган. Савол: Саййид Барака Амир Темурга нима совға қилган?

**Жавоб:** *Олий ҳокимият рамзи сифатида катта ногора – табл билан ялов-байроқ тортиқ қилган.*

**3-савол:** Машҳур сўфи ва ориф ўз қўлини Амир Темурнинг бошига қўйиб, юзига диққат билан қараб, тўпланган атрофидаги мажлис аҳлига шундай деган экан: - “ Мен ушбу йигитнинг манглайида улуғ нур кўраман. У бошқа ҳеч ким етишмаган юксак мақомга етиб боради. Сизлар ўз кўзларингиз билан унинг оламгирлиги ва етти иқлим подшоҳи бўлганини гувоҳи бўлурсизлар”. Бу сўзларни айтган машҳур сўфи ва орифнинг исми нима?

**Жавоб: Шамсуддин Кулол.**

**4-савол:** Амир Темур хукмронлигида Мовароуннаҳрда тарқоқлик тугатилиб марказлашган давлатнинг ташкил топиши ижобий оқибатларга олиб келди. Мамлакат ишлаб чиқариш кучларини ва мўғулларининг бир ярим асрлик хукмронлиги натижасида бўҳронга учраган иқтисодий тиклаш учун қулайроқ шароит вужудга келди. Айти вақтда хўжаликнинг асоси бўлган тармоқ бу даврда қайси тармоқни ташкил этган?

**Жавоб: Деҳқончилик**

**5-савол:** Амир Темурнинг 4 нафар ўғли бўлган. Уларнинг исмларини айтинг.

**Жавоб: Жаҳонгир Мирзо, Шохруҳ Мирзо, Мироншоҳ Мирзо. Умаршайх Мирзо**

**6-савол:** Маълумки Тошкентдаги Амир Темур хиёбонида Темурийлар даври музейи ташкил этилди. Бу музей қачон барпо этилган?

**Жавоб: 1996 йил.**

**7-савол:** Амир Темур Самарқанднинг ғарбида суюкли хотини Туман оға (Хайруннисо) га атаб 1378 йили ушбу боғни қурдирган бўлиб, ёзма манъбаларда “Боғи жаннат” номи билан ҳам аталган. Тарихчи Шарафуддин Али Яздийнинг ёзиши-ча, унинг ўртасидаги атрофи хандақ билан музофаза этилган сунъий тепалик устида Табриз оқ мрамаридаги қурилган ҳашаматли сарой бўлган. Саройга бир неча кўтарма кўприклар орқали қирилган саройнинг бир тарафида ҳайвонот боғчаси ҳам бўлган. Юқорида таърифи берилган боғнинг номи нима?

**Жавоб: Боғи Беҳишт.**

**8-савол:** “Амир Темур” ордени 1996 йил 26 апрелда таъсис этилган Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотларидан биридир. Орден тилла қопланган 925 даражали кумуш қотишмадан тайёрланиб, саккиз қиррали бўртма юлдуз кўринишида бўлиб, Амир Темурнинг улуғвор қиёфаси кумуш рангда тасвирланган. Савол: Ушбу орденнинг муаллифи ким?

**Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримов.**

**9-савол:** “Соҳибқирон” сўзининг маъноси нима?

**Жавоб: Соҳибқирон сўзи арабча саодатли, зафарли голиб деган маънони англатади.**

**10-савол:** Адолатсиз, қонунсиз, урфу-одат қонунларсиз давлатни тасаввур қила олмайдиган Темур ҳақиқатдан ҳам уч минг йиллик ўзбек давлатчилиги тарихининг энг муҳим босқичига раҳбарлик қилди. Жамият ва давлат

бошқаруви учун бизга қимматли сиёсатнома ва қонуннома асарини қолдирди. Бу қайси асар?

**Жавоб: “Темур тузуклари”**

**11-савол:** Темур даврида суд тизими кенг кўламда ривожланди. Нархунавони назорат этиш, экологияни асраш, йўллар ва кўприклар хавфсизлиги, озиқ-овқат ва сувлар покизалигини сақлаб, мамлакат бўйича ғайри динлар ва хорижий мусофирларга тазйиқ ўтказиш, шаҳарларда қишлоқ аҳолисига нотўғри муносабатда бўлишини олдини олиш ҳатто ҳайвонларни ҳимоя қилиб, кемалар хавфсизлигини таъминлаш мухтасибларнинг васифасига кирарди. Мухтасиблар ким томонидан тайинланарди.

**Жавоб: Давлат раҳбари томонидан.**

**12-савол:** Қўшин давлатнинг асосий таянчларидан бири бўлгани учун Амир Темур унга катта аҳамият берган. Уларнинг ҳақ-хуқуқлари, оладиган ойлик маоши белгилаб қўйилган. Нарх-наволар ўзгариб турганлиги сабабли маош белгилашда маълум бир меъёр асос қилиб олинган. Савол: Навкарларга ниманинг нархига нисбатан маош белгиланган?

**Жавоб: Отнинг баҳосига қараб маош белгиланган. Оддий сипоҳий мингган отининг баҳоси баробарида, баҳодирлар 2-4 от баробарида маош олишган. Лавозимларига қараб шу тариқа маошлар ошиб борган.**

**13-савол:** Амир Темурнинг қўшини асосан фақат уруш пайтида тўпланадиган лашкардан иборат бўлган. Ҳарбий юриш олдидан барча вилоят, туман ва улуслардан белгиланган ерга лашкар йиғиб келувчи ҳарбий мансабдор бўлган бўлиб, одатда, у бу ишга жарчи билан бирга борган. Бу мансаб қандай аталган?

**Жавоб: Тавочи.**

**14-савол:** Амир Темур “..... давлат ишларининг тўққиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат, қолган ..... улушини қилич билан амалга оширдим” деган сўзлари билан давлатни ақл-заковат ва ҳуқуқий асос билан идора этганлигининг ёрқин далилидир. Савол: Амир Темур қолган “.....улушини қилич билан амалга оширдим” деганда нечча улушни назарда тутган?

**Жавоб: Бир улуш.**

## **Викторина-2**

*Викторина ўтказишнинг яна бир шакли анча содда ва ташкил қилиниши, ўтказилиши жиҳатидан осонроқ.*



Викторинада 6-8 кишидан иборат 2 гуруҳ иштирок тади. Ҳакамлар хайъати жавобларни баҳолаб берадилар. Жавоблар 2-5 балл билан баҳоланади. Жавобларнинг тўлиқ, аниқлиги ҳисобга олинади. Ҳайин саволлар, саҳна кўринишидан иборот бўлиши мумкин. Саҳна кўриниши учун ҳар икки гуруҳ олдиндан тайёрланиб келган бўлиши лозим. Унда тадбир мавзусига оид кичик бир парча намойиши этилади. Саҳна кўриниши 10 дақиқадан ошмаслиги мақсадга мувофиқ.

Ҳайин бошланишидан олдин қуръа ташланади. Кейинги саволлар Ҳайналганда жавобни биринчи бўлиб топган гуруҳ ўз эмблемасини кўтаради. Жавобни топиш учун 2 дақиқа вақт берилади.

**Бобур номидаги Андижон вилояти Ахборот-кутубхона маркази**  
**Ахборот-библиография бўлими**  
**“Бола ҳуқуқлари давлат ҳимоясида” мавзусидаги викторина**  
**Сценарийси**

**Ўтказиш жойи :** \_\_\_\_\_

**Вақти:** \_\_\_\_\_

**Давомийлик вақти :** \_\_\_\_\_

**Ҳамкор ташкилотлар:** \_\_\_\_\_

**Иштирокчилар:** \_\_\_\_\_

Ёлғиз яшаш жуда оғир,  
Меҳрибонинг бўлмаса  
Яша дейди сенга ҳуқуқ  
Ота –онанг бағрида.

**Олиб борувчи:** Ассалому алайкум ушбу тадбиримизга ташриф буюрган ҳурматли меҳмонлар ва илмга чанқоқ ўқувчилар! Бугунги “Бола ҳуқуқлари давлат ҳимоясида” мавзусидаги викторинамизга ҳуш келибсизлар.

Ҳар қандай жамият ўз фарзандларини маъсулиятни ҳис этадиган, муносиб фуқаролар бўлиб етишишларини ва уларнинг давлат тараққиётига, гуллаб яшнашига ўз улушларини қўшишларига умид боғлайди. Ёшларнинг онги ва тафаккурини шакллантириш, дунёқарашини кенгайтириш ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, юртга муҳаббат, ватанга садоқат туйғуларини тарбиялаш билан чамбарчас боғлиқдир.

Афсуски, дунёнинг кўпгина мамлакатларида болалар ўз ҳуқуқларидан маҳрум этилганлар, яъни уларнинг соғ-саломат яшаб тўлақонли ривожланишлари ва жамият ҳаётида фаол иштирок этишлари учун ҳеч қандай имкониятлар яратилмаган.

Бутун дунё болалари индивидуал ва глобал ривожланиш деганда ҳуқуқнинг ўзи нима, уларнинг қандай ҳуқуқлари бор, ҳуқуқлари поймол

қилинаётганларга хайрихоҳ бўлиш лозимлиги ҳамда ўзининг ва бошқаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга куч топа олиши лозимлигини тушунишлари керак.

Шунинг учун ёшларимиздан юксак ахлоқий ва ҳуқуқий маданиятли бўлиш талаб этилади. Ҳуқуқий тарбиянинг яна бир муҳим шарти шундаки, бу бошқаларга ўрнак бўлишдир. Сизнингча нима учун кишига ҳуқуқий билимлар зарур? Ҳуқуқий саводхонлик нимага олиб келади?

Қонун кишининг яхши маслаҳатгўйи ва ёрдамчисига айланиши учун нималар қилиш керак? Шу ва бошқа саволларга бугунги викторинамиз орқали жавоб топишингиз мумкин. Шунингдек ҳуқуқий билимингизни оширибгина қолмай, ҳуқуқий тушунчаларга ҳам эга бўласиз.

**Олиб борувчи:** Бугунги тадбиримизда биз сизларнинг ҳуқуқингизни қай даражада билишингизни синаб кўрмоқчимиз. Беллашувда 5 нафар ўқувчилардан иборат бўлган 2 та гуруҳ иштирок этади ва ҳар бир гуруҳга оид 8 тадан саволлар берилади. Қайси гуруҳнинг балли кўп бўлса ўша гуруҳ ғолиб деб топилади.

Ўйлаш учун 2 дақиқа вақт берилади.

Бугунги беллашувимизни экспертлар гуруҳи баҳолаб боради, ҳозир мен сизларни улар билан таништириб ўтаман.

---

## САВОЛЛАР:

1-савол: “Демократия” сўзи нимани билдиради?

**Жавоб:** *Халқ ҳокимияти.*

2-савол: Вояга етмаган шахс неча ёшдан бошлаб меҳнат шартномасини тузиш ҳуқуқига эга бўлади?

**Жавоб:** *14 ёшдан бошлаб.*

3-савол: Ҳуқуқий онг нима?

**Жавоб:** *Ҳуқуқий онг – бу ҳуқуққа оид туйғулар, кайфиятлар, тасаввурлар, ҳуқуқий зоя, назария ва концепциялар йигиндиси бўлиб, одамларнинг амалдаги ҳуқуққа бўлган муносабатларида ифодаланади.*

4-савол: Ҳуқуқий маданият нима ?

**Жавоб:** *Ҳуқуқий маданият ҳуқуқ ҳақидаги билимларга эга бўлиш ва уларга асосланиб ҳаракат қилишдир.*

5-савол: Ҳуқуқий таълим нима ?

**Жавоб:** *Ҳуқуқий таълим – жамият аъзоларининг юриш – туриш маданиятига ва онгига ҳуқуқий*

*тартиб орқали ҳуқуқий билимлар билан таъсир этиш жараёни.*

6-савол: Ҳуқуққа зид ҳаракат нима ?

*Жавоб: Ҳуқуққа зид ҳаракат – ҳуқуқ нормалари ва ҳуқуқ талабларини бузилиш, ҳуқуқий жавобгарлик оқибатида келиб чиқадиган қонунбузарлик.*

7-савол: Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция неча қисм ва неча моддадан иборат?

*Жавоб: Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция 3 қисм ва 54 моддадан иборат*

8-савол: Ногирон болалар махсус парваришга маълумот олишга ва уларнинг ижтимоий интерграция иштирокида ҳаётларини тўлақонли кечириш ҳуқуқлари бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг нечанчи моддасида кўрсатилган?

*Жавоб: Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 23-моддасида кўрсатиб ўтилган*

## 2-ГУРУХ

1-савол: Ўзбекистон Республикасида кимлар сайлов ҳуқуқига эга ?

*Жавоб: Суднинг қарори билан муомила лаёқатига эга деб топилган ва озодликдан маҳрум бўлиб, қамоқ муддатини ўтаётганлардан ташқари барча 18 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқаролари.*

2-савол: Вояга етмаганлар неча ёшдан бошлаб ота – оналари, фарзандликка олувчилар ва ҳомийларнинг розилигисиз нафақалари ва бошқа даромадларини ўзлари тасарруф этиш бўйича ҳуқуқий лаёқатга эга бўладилар?

*Жавоб: 8 ёшдан бошлаб.*

3-савол: Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қачон ва қаерда қабул қилинган?

*Жавоб: Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 1948 йил БМТ томонидан қабул қилинган .*

4-савол: “Давлат суверенитети” – маъносини тушунтиринг?

*Жавоб: Бу ибора французча сўздан олинган бўлиб, “юқори ҳокимият”, “олий ҳокимият” деган маънони англатади.*

5-савол: Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг нечанчи моддасида “Болаларни ҳар қандай ғайриқонуний равишда шахвоний фаолиятга тортиш ва горнография ва порнография материаллари мақсадларида фойдаланиш ман этилган”лиги кўрсатилган?

**Жавоб:** *Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 34 модасида кўрсатилган .*

6-савол: Бола ҳуқуқлари тўғрисида декларация қачон ва қаерда қабул қилинган?

**Жавоб:** *1924 йил Бола ҳуқуқлари Женева декларациясида ва 1959 йил 20 ноябрда БМТ нинг Бош ассамблеяси томонидан қабул қилинган*

7-савол: Ўзбекистон Республикасида хусусий мулк эгаси бўлиш ҳуқуқи кимларга берилган?

**Жавоб:** *Ўзбекистон ҳудудида яшовчи барча шахсларга*

8-савол: 15 ёшдан кичик бўлган болалар қуролли низоларда бевосита иштирок этишлари мумкин эмаслиги бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг нечанчи моддасида берилган?

**Жавоб:** *Вояга етмаган болалар қуролли низоларда иштирок этишлари мумкин эмаслиги конвенциянинг 38-моддасида берилган.*

### **Олиб борувчи:**

Бугунги беллашувимизни якунлашга учун сўз: -----

### **Олиб борувчи:**

Давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганидек, “Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучдир”. Демак, ёшларимиз мамлакатимиз раҳбарияти томонидан берилаётган юксак эътибордан самарали фойдаланган ҳолда жамиятимиз тараққиёти, юрт истиқболига муносиб ҳисса қўшиши улар зиммасидаги энг олий вазифадир. Ҳуқуқий маданият – умумий маданиятнинг ажралмас таркибий қисми. Инсон онгида шундай ишонч қарор топиши керакки, ҳуқуқий билимларга эга бўлган ва уларни амалиётда татбиқ эта оладиган кишигина маданиятли ва билимли деб ҳисобланиши мумкин.

Эътиборингиз учун раҳмат.

### **Учрашув кеча**

АКМ, АРМ ларда буюк сиймолар, олимлар, адабиёт намоёндаларинг таваллуд топган кунларига бағишлаб адабиётшунослар, тарихчилар, ёзувчилар билан учрашув кечаларини уюштириш мумкин. Кечага тайёргарлик одатда 3-4 ҳафта олдин бошланади. Кеча ўтказилаётган залда кечанинг мавзуси бўйича китоб кўرғазмаси ташкил этилади ҳамда кўрғазмадаги адабиётлар шарҳи ўтказилади. Плакатлар тайёрланади. Меҳмонларга таклифномалар юборилади. АРМ да учрашув ўтказилаётганлиги ҳақида эълон берилади.

Учрашув кечасида тadbирни бошловчи олиб боради. У сўзга чиқиб йиғилганларга кечанинг мавзуси ҳақида қисқача маълумот беради ҳамда сўзга чиқувчиларни ҳамда меҳмонларни йиғилганларга таништиради. Ва сўзга

чиқиш учун меҳмонлардан бирини таклиф этади. Шу тартибда барча сўзга чиқувчилар тингланади. Учрашув кечасида таваллуд куни нишонланаётган адибнинг асарларидан парчаларни ифодали ўқиш ва сахна кўриниши намойиш этилиши мумкин.

Тадбир охирида бошловчи кечада иштирок этганларга, шунингдек барча ташриф буюрганларга миннатдорчилик билдириб кечани якунлайди.

Бобур номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази 7 май -  
Алоқа ходимлари кунига бағишлаб “**Замон билан ҳамнафас**” мавзусида  
ўтказиладиган учрашув кеча

## С Ц Е Н А Р И Й С И

Ўтказиш жойи: \_\_\_\_\_  
Ўтказиш вақти: \_\_\_\_\_  
Ҳамкор ташкилотлар: \_\_\_\_\_  
Иштирокчилар: \_\_\_\_\_

**Олиб борувчи:** Алоқа ---  
Оддийгина сўз эмас бу сўз,  
Хавфсизлигинг ўзи бир дунё.  
Узоқларга борар тарихинг,  
Бошқарасан дунёни гўё...

Алоқачи ---  
Сиз ҳам оддий одам эмассиз,  
Вазифангиз жиддий бир қадар.  
Тинчлик истаб кутган ҳар кимга  
Етказинг сиз доим хушхабар!

**Олиб борувчи:** Ассалому алайкум, ҳурмат ва эҳтиром ила ушбу даргоҳга ташриф буюрган ҳурматли меҳмонлар, азиз ўқувчилар ва кадрли устозлар! Аввало, бугунги учрашув кечамизга хуш келибсизлар! Ҳаммамизга маълумки, 7 май – Алоқа ходимларининг касб байрамидир. Бугун Ўзбекистонимизнинг барча вилоятларида бу байрам кенг нишонланмоқда. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Андижон вилояти ҳудудий бош бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган бугунги тадбиримиз ҳам шу касб фидойиларига бағишланган. “**Замон билан ҳамнафас**” мавзусидаги ушбу тадбиримизни алоқа соҳасида фидокорона меҳнат қилаётган устозлар билан учрашув тарзида ташкил этганмиз. Фурсатдан фойдаланиб ҳурматли меҳмонлар! Сизларни касб байрамингиз билан муборакбод этамиз. Сизларга

соғлик, узоқ-умр, келгусидаги ишларингизда бунданда улкан ютуқлар тилаб қоламиз.

Бугунги кунда мустақил юртимиз ҳар жабҳада улкан ютуқларни қўлга киритиб тобора юксалиб бормоқда Жонажон Ватанимизнинг гуллаб – яшнаши, иқтисодиётимизни янада юксалтиришда алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ходимлари ҳам сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқда. Бу борада соҳа ходимлари олдига миллий телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ва уни мустақил бошқариш муҳим вазифа қилиб қўйилдики, бугунги кунга келиб буни уларнинг самарали меҳнатлари натижасида кўришимиз мумкин. Президентимиз Ислоом Каримов: “Биз яқин йиллар давомида алоқа ва телекоммуникация ривожини бўйича жаҳон стандартлари даражасига кўтарилишимиз лозим. Ривожланган коммуникация тизими бўлмаса, Ўзбекистоннинг келажаги бўлмайди. Биз буни аниқ ҳис қилишимиз лозим”, деган эди.

Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, соҳа ходимлари томонидан мамлакатимизда компьютер ва ахборот технологиялари, телекоммуникация ва маълумот узатиш тармоқлари, интернет ҳизматларини ривожлантириш ва замонавийлаштириш, уларни дунё стандартларига етказиш мақсадида кенг қўламли ислоҳотлар босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда.

**Олиб борувчи:** Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёда шиддат билан ривожланиб бораётган тармоққа айланиб улгурди. Алоқачиларнинг самарали, ишончли ва қулай хизматлари давлат бошқарувидан тортиб, оддий инсонларнинг ҳам кундалик эҳтиёжларига сингиб кетди. Агар республикаимиз миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, бугун бирор бир соҳа йўқки, унинг ривожига АКТнинг алоҳида ўрни бўлмаса. Бир сўз билан айтганда, АКТ мамлакатимиз иқтисодиётини ташкил этишда ва ривожлантиришда асосий локомотивлар қаторидан жой олди.

Таққослаш учун соҳанинг истиқлолгача бўлган ҳолатини бир кўз онгимизга келтирсак кифоя. Бир пайтлар алоқа соҳаси деганда асосан почта, телефон. Телеграф тушунилган бўлса, бугун улар қатори компьютер, мобил алоқа, интернет, рақамли телевидение, электрон почта, гибрид почта, электрон рақамли имзо, дастурий маҳсулотлар, электрон таълим, масофавий таълим сингари атамалар билан бойидики, санаб адоғига етиш мушкул. Ва буларнинг таг замирида алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ходимлари меҳнатлари мужассам. Биргина почта тизимини олайлик. Телекоммуникация тизимидан ажратилиб, алоҳида тармоқ сифатида фаолияти йўлга қўйилгани почтанинг ўз йўналишида ривожланишига катта имкониятлар эшигини очиб берди. Почтачилар миждозларга ахборот коммуникация технологиялари орқали янги хизматларни тақдим этиб, халқаро ва республика миқёсида электрон почта, гибрид почта, интернет, электрон пул ўтказмалари, интерактив ва курьерлик сингари хизматлар кўрсатиш йўлга қўйдилар.

*Хабарни ҳаммадан тез етказоди,  
Ҳатто Америка, ҳатто Римларга.  
Барча юртдошларим ҳавас қилади,  
Алоқа хизмати ходимларига.  
Бизларга беради дунёдан хабар,  
Зафарлар тилаймиз одимларига.  
Энг юксак шарафни берсак ярашар,  
Алоқа хизмати ходимларига.*

**Олиб борувчи:** Ҳурматли тадбиримиз иштирокчилари! Бугунги кечамизга алоқа соҳасини ривожлантиришда ўзининг муносиб меҳнатлари билан ҳисса кўшиб келаётган, шу соҳада узоқ йиллардан бери фаолият юритаётган уч авлод вакилларини таклиф этганмиз. Мен ҳозир мамнуният билан сизларга уларни таништираман.

1. \_\_\_\_\_
2. \_\_\_\_\_
3. \_\_\_\_\_

**Олиб борувчи:** Инсоннинг меҳнатга бўлган муҳаббати, ўраб олган дунёни билишга бўлган интилиши, фан ва маданиятни ўрганиш иштиёқи билан, энг аввало бошқа кишиларга бўлган дўстона муносабати билан гўзал. Шу соҳа нонини еб, ўзининг камтарона меҳнати билан оз бўлсада соҳа ривожига ҳисса кўшиб келаётган алоқачи борки, барчаси эъзозга, эҳтиромга лойиқ.

Бугунги кечамизда ана шундай меҳнатдан бахт топган инсонлардан бири иштирок этмоқда, дастлабки сўзни мен мамнуният билан шу инсонга бермоқчиман.

Ҳозирги \_\_\_\_\_ сўз  
\_\_\_\_\_ га

Марҳамат! *(Меҳмон ўз иш фаолияти ҳақида гапириб, ўқувчиларни қизиқтирган саволларига жавоб бериб ўтади)*

**Олиб борувчи:** Раҳмат! Эзгу мақсадларингизни амалга оширишда сизга куч-қувват ва омад тилаймиз.

Ҳурматли устозлар! Бугунги тадбиримизга Алоқа коллежи ўқувчилари ўзларининг байрам дастурини тайёрлаб келганлар. Келинг ҳозирги навбатни уларга берсак. Марҳамат! *(Ўқувчиларнинг чиқишлари намойиш этилади)*.

**Олиб боруви:** Раҳмат! Азиз ўқувчилар! Сизларга ҳам келгуси ўқиш ва ишларингизда омадлар тилба қоламиз.

**Олиб борувчи:** Азизлар тадбиримиз давом этади. Энди навбатни умрини, бор билим ва тажрибасини соҳа тараққиётига бағишлаган фахрий алоқачи \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ га сўз берсак.  
Марҳамат! *(Фахрий-устоз ўз иш тажрибалари ҳақида гапириб ўтади)*.

**Олиб борувчи:** Рухсатларингиз билан яна навбатни байрам дастурига берсак. Бу галги байрам дастурини шахримиздаги Компютер-технологиялари коллежи ўқувчилари намойиш этадилар. Марҳамат! (*Ўқувчилар ўз чиқишларини намойиш этадилар*)

**Олиб борувчи:**

**Олиб борувчи:** Азизлар! Эндиги сўз навбатини касбига меҳр қўйган, муҳандисликнинг барча сир-асрорларини пухта ўзлаштириб олган мутахассислардан бири \_\_\_\_\_ га сўз берсак. Марҳамат!

(*Мутахассис ўз иш тажрибаларидан гапириб ўтади*). Раҳмат.! Ҳаётнинг ҳар бир қувончли лаҳзаси сизни бебаҳра қолдирмасин. Доимо соғ бўлинг.

**Олиб борувчи:** Азиз алоқачилар! Ҳурматли меҳмонлар! Мана бугунги учрашув кечамиз ҳам ўз ниҳоясига етиб бормокда. Ўтказилган бундай учрашув кечамиз ёшларимиз маънавиятининг юксалишида, уларнинг ишга бўлган иштиёқи янада ортишига муҳим омил бўлиб хизмат қилади деган умид билдириб тадбирни яқунлаб бериш учун сўзни Бобур номидаги Андижон вилоят ахборот кутубхона директор ўринбосари Насимахон Азнабаевага берамиз. Марҳамат! (*АКМ директор ўринбосари ўз табрик ва якуний сўзларини айтиб ўтади*) (*Меҳмонларни табриклаш ва эсдалик совгаларини топшириш учун сўз ЎзААА таширф буюрган*

*берилади*)

## Адабий мусиқали кеча

Бобур номидаги Андижон вилояти ахборот-кутубхона маркази Маънавий-маърифий ишлар бўйича ёшлар билан ишлаш сектори Алишер Навоий таваллудининг 572 йиллигига бағишлаб “**Билмак Навоийни зўр маърифат нишони**” мавзусида ўтказиладиган адабий-мусиқали кеча

## СЦЕНАРИЙСИ

**1-бошловчи:** Беш асрким назмий саройни  
Титратади занжирбанд бир шер.  
Темир тиғи етмаган жойни  
Қалам билан олди Алишер.

**2-бошловчи:** Ҳа, бу «занжирбанд шер»нинг шеърлари неча асрларки жаҳонни мафтун этиб келмокда.. Унинг ғазаллари порлоқ қуёш сингаридир, бетакрор назми олдида ҳатто Саъдий ва Ҳофизнинг шеърят осмонидаги юлдузлари хира тортди. «Низомий панжасига панжа уриб» бунёд қилган «Ҳамса»си «Панж ганж» шуҳратига соя солди.



**1-бошловчи:** Буюк шоир ҳақида унинг дўсти, маслакдоши Ҳусайн Бойқаро ўзининг «Рисола» китобида бундай деган эди: *(саҳнага Ҳусайн Бойқаро қиёфасидаги ўқувчи чиқиб келади)*

- “Мир Алишер турк тилининг ўлган жасадига Масих нафаси билан руҳ-жон киргизди... У ҳар бир шеър тури майдонига топқир отини сураб экан, ўша мамлакатни тил қиличи билан ўзига тобе этди. Унинг назмини мақташга тил нуқсонли ва қалам ожиздир ва бу кун назм дунёсининг рубоий маскунида қаҳрамон удур ва уни бу мамлакатни қўлга киритган соҳибқирон деса бўлади”, *(секин аста саҳнадан чиқади)*.

**2-бошловчи:** Алишер Навоийнинг комил инсон, шеърят мулкининг султони бўлиб етишишида у яшаган муҳитнинг таъсири катта бўлди.

*(Саҳна кўриниши. Саҳна хона кўринишида безатилган. Алишернинг отаси Ғиёсиддин Кичкина, тоғаси шоир Мирсаид, кимёгар домла Мурод ва бир неча сипоҳлар давра қуриб давлат ишлари юзасидан баҳс юритиб ўтирибдилар.)*

**Кимёгар домла Мурод:** Ҳазрат Улуғбек фалаккиёт илмини кўп саъй-иштиҳод билан тадқиқот қилибдурлар. Ҳазрат ҳақиқий олимдурларки, бу илмда кашфиёт нуқтасига етубдурлар, риёзиётда камолот кашф этмиш бир инсондурлар. Давлат ишини хўп аъло билурлар, лекин мушкулотлар, ғоят беҳад.

*(Шу пайт тўрт ёшлар чамасида шўх Алишер тўнининг этакларини ҳилпиратиб югуриб киради).*

**Алишер:** Ассалому алайкум!

**Мажлис аҳли:** Ва алайкум ассалом.

**Сипоҳлардан бири:** *(Кулимсираб)* Отни яхши кўрурмисен, Алишербек?

**Алишер:** Кўп яхши кўрурмен, лекин *(отасига термула туриб)* от чоптиришдан фикр югуртириш яхшироқдур.

**Кекса барлос:** Офарин, офарин, ўқитинг ўғлонни, мулла қилинг! Илмнинг чўққисига арзийди ўғлингиз.

**Ғиёсиддин Кичкина:** Ниятимиз худди шундай, ўқитмоқ орзу қилурмиз. Зийрак бола, пича шўхлиги бор.

**Домла Мурод:** Боланинг шўхи яхши, Зероки, фикри ҳам югурик бўлур. Фикрнинг чақноғи илмнинг чақмоғи.

**Сипоҳлардан бири:** Э, э, баҳодирликка не етсин! Жангчи баҳодир бўлғай ўғлон! Кучи бўлган эр йигит ҳар нарсага етгусидир. Эгар-жабдук, ўқ-ёй билимидан сабоқ беринг, жаноб бек!

**Шоир Мирсаид** (Алишернинг тоғаси): - Қани, жиян, бир ғазал ўқиб юбор, биласан-ку *(Алишер одоб билан отасига қаради)*.

**Ғиёсиддин Кичкина:** Ўқи ўғлим, ўқи, ихлос билан ўқи!

*(Алишер оёқларини йиғиб, дарров чўкка тушади ва соф тиниқ товуш билан мулойим оҳангда шеър ўқийди)*

**Алишер:**

Кўкарди чаман, гулузорим қани?

Зиҳи сарви бўйлиқ нигорим қани?

Топибдур бу кун васли гул андалиб,  
Дариғо, менинг навбахорим қани.

Мавлоно Лутфий ҳазратлари айтмишлар, бу шеърни. Мен жуда ёқтурамен, ота, сиз не дейсиз?

**Ғиёсиддин Кичкина (кулиб):** Жуда яхши, ўғлим, менга ҳам ҳаддан зиёд маъкул. Мавлоно Лутфий ниҳоят ҳассос, нозик тафаккурли, ҳар нечук мадҳга ярашук бир шоирдурлар.

**Кекса барлос:** Ё раббим! (ёқасини ушлаб). Кўнгулларимизни нурга тўлдирган бу жужукдан қандай бургут етишур? Парвардигорим ҳамиша паноҳ бўлғай сенга, омин! (Фотиҳа тортади)

**Шоир Мирсаид:** (Алишернинг елкасига меҳр билан қоқиб)

Баракалло, офарин жиян, пешонангда ҳамиша қуёш балқисин.

(Меҳмонларга мурожат ила боқиб) Форсий шеърлардан ҳам кўпини билади, тангрига минг қатла шукурки, ақл ҳам, ҳофиза ҳам жойида. Шеърят ва илм бобида камол касб этур, деган умидимиз бор. Туркийда бисёр маънилари бор. Мен соф туркийда ёзурмен. Аксарият шоирлар ғазалларини форсийда ёзурлар. Форсий бой, гўзал тил, лекин ўз туркий тилимизда ҳам халқ юрагини топиб, нафис шеърят яратмоқ мумкин. Мавлоно Лутфийнинг туркий шеърлари кўпдирки, бу шеърлар дилларга қуёш каби нур сочар.

**1-бошловчи:** «Агар бу зотни авлиё десак, у - авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак шоирларнинг султонидир. Инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилади», - деган эди Юртбошимиз шоир ҳақида. Дарҳақиқат, буюк шоир ижодида адолат, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, саховат, ишқ-муҳаббат, ҳалоллик, ростгуйлик, маърифатпарварлик каби энг гўзал инсоний фазилатлар тараннум этилади.

**2-бошловчи:**

Барчамизга ёд бўлиб кетган:

«Одамий эрсанг, демагил одами

Ониким йўқ халқ ғамидин ғами»,

- деган ҳикматли сўзлари нафақат гўзал ташбеҳ, аксинча улуғ шоирнинг иймон-эътиқоди, фаолият меъзони, ҳаёт фалсафасидир. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, умр бўйи етим-есир, бева-бечора, ногирон ва мухтожларга мурувват кўрсатиб келган, эл-юрт учун ўз ҳисобидан мактаб-мадрасалар, шифохона ва ҳаммомлар, йўл ва кўприклар қурдирган, боғ-роғлар бунёд этган, илм-фан ва маданият аҳлининг чинакам ҳомийси бўлган бу беназир зотнинг мана шундай савобли ишлари ҳар биримиз учун ибрат ва сабоқ эмасми?! (Навбат яна ўқувчиларга берилади. Саҳнага ўқувчилар чиқиб Навоий шеърляти ҳақида гапирадилар).

**1-ўқувчи:** Навоий қолдирган бой адабий мероснинг катта қисмини лирика ташкил этади. Ўзбек дунёвий лирикасини янги тараққиёт поғонасига кўтарган улуғ шоир форс-тожик лирикасига ҳам улкан хисса қўшди. У ўзбек лирикаси тараққиёти босқичларида бўлгани каби озарбайжон, туркман, тожик эрон, турк ва бошқа халқлар шеърлятида ҳам чуқур из қолдирди.

**2-ўқувчи:** Алишер Навоийнинг ҳар икки тилдаги шеърлари жаҳон адабиёти хазинасига бебаҳо дурдона бўлиб қўшилди. Шоирнинг ўзи туркий ва форс тилларидаги шеърларининг бир-биридан қолишмаслигини таъкидлаб, «Девони Фоний»да бундай дега

*Маъноин ширину рангинам ба турки беҳад аст,  
Форсий ҳам лаълу дурҳои самин чун бингари.  
Гўйио дар рост бозори сухан бикуюшодам,  
Як тараф дўкони қаннодию, як сўзаргар.*

Маъноси: туркий тилда ранг-баранг ширин маъноли шеърларим беҳаду ҳисобдур. Агар қарасанг, форсий шеърларим ҳам лаълу гавҳардур. Гўё сўз бозорида дўкон очганман, бир томонда қандолат дўконию, бир томонда заргарлик.

**3-ўқувчи:** Алишер Навоий лирикаси мавзу жиҳатдан жуда бой ва ниҳоятда ранг-барангдир. Севги ва садоқат, висол иштиёқи ва ҳижрон изтироби, вафо ва дўстлик, шафқат ва марҳамат, ватанга ва халққа муҳаббат, инсоф ва адолат, меҳнат ва маърифат, одоб ва тавозе, ҳиммат ва саховат ҳалоллик ва тўғрилиқ, табиатга кўрки ва инсоннинг завқ-шавқи Навоий лирикасининг мавзуларидандир.

(«Кеча келгумдир дебон...» деб бошланувчи газалга. басталанган куй жўрлигида бир ўқувчи уни ифодали ўқийди).

**1-бошловчи:** «Ҳамса» Навоий ижодининг қалбидир. Дунё дурдонаси бўлган «Ҳамса» туркий тил гўзаллигининг энг ёрқин намунасидир.

*Эмас осон бу майдон ичра турмоқ  
Низомий панжасига панжа урмоқ.  
Керак шер оллида шеру жанги,  
Магар шер ўлмаса, бори паланги.*

**2-бошловчи:** Ҳа Низомий «Ҳамса»сига муносиб жавоб ёзмоқ учун нақадар катта заковат эгаси бўлиш кераклигини ҳазрат ўзигагина хос донолик билан илғаганлигини ана шу сатрлардан ҳам билиш мумкин. «Ҳамса»чилик жаҳон маънавияти тарихида бетакрор ҳодисадир. Туркий адабиётда Қутб ва Ҳайдар Хоразмийлар бошлаб берган ҳамсачилик анъанаси ўзининг камолини Алишер Навоий ижодида топди.

**1-бошловчи:** Алишер Навоий «Ҳамса»си беш дostonдан иборат.

(Сахнага бешта ўқувчи қўлларида «Ҳамса» дostonлари билан чиқиб келади).

**1-ўқувчи:** «Хайрат ул-аброр» «Ҳамса»нинг тўнғич дostonидур. Бу дoston мақолат деб ҳам юритилади. Унинг саҳифаларида ахлоқ одоб масалалари,

шунингдек, дўстлик, вафодорлик, ростгўйлик каби юксак инсоний фазилатлар билан бирга ота-онага, умуман, инсонга меҳр ва ҳурмат, илм ва ҳунар эгаллаш масалалари ўз ифодасини топган.

Илм, Навоий сенга мақсуд бил,  
Эмдики илм ўлди, амал айлагил.

*(«Ҳайратул-аброр» асаридан саҳна кўриниши).*

**Бошловчини гапи:** Саҳий бир подшоҳ бор эди. Саҳийлигидан халқи уни ҳурмат қилар эди. Унинг бир қули бор эди. Хизмат даражаси баковуллик эди. Кунлардан бир куни... .

*(Шоҳ овқатланмоқда. Олдида ноз-неъматлар. Шу пайт шоҳга овқат узатаётган хизматкор унинг бошига беҳосдан овқатнинг озгинасини тўкиб юборади).*

**Четда турган бошқа хизматкор:** Оҳ энди подшоҳ уни ўлдиради. Гуноҳига лойиқ жазо шудир. *(Хизматкор қўрқувдан титраб туради).*

**Шоҳ:** Сени кечирдим.

**Вазир:** Эй саҳийликда беғараз шоҳ унга туғдан бошқа нарса лойиқ эмас эди-ку!

**Шоҳ:** *(завқ билан, лутф қилиб)* хижолат ўзи уни ўлдириб бўлди. Ҳеч ким ўлган ўликни бошқатдан ўлдирмаган, бошига эса жазо туғин тортмаган. Халқ ичида ким энг гуноҳкор бўлса, ўша авф ва иноятга энг кўп сазовордир. *(Парда ётилади).*

**2-ўқувчи:** «Ҳамса»нинг иккинчи достони «Фарҳод ва Ширин»дир. Фарҳод бу дostonнинг бош қаҳрамони, у истеъдодли, илм-маърифатни севувчи инсондир.

Жаҳонда қолмади у етмаган илм  
Билиб таҳқиқни касб этмаган илм.

Фарҳод фақат илм-маърифатни эгаллаш билан чегараланмай, турмушда керак бўладиган кўп ҳунарларни ўрганишга интилади. Қиличбозлик, чавандозлик каби ҳунарларни ҳам ўрганади. У ўзи эгаллаган барча илм ва ҳунарни халқ манфаатлари, бахт-саодати учун сарф қилади.

Ҳунарни асрабон нетгумдир охир  
Олиб туфроққа му кетгумдир охир

Бу асар севги ва садоқатни, меҳнат ва ижодкорликни, ватанпаварлик ва қаҳрамонликни тараннум этади.

Саҳна кўриниши. *(Тахтда Хусрав ўтирибди. Занжирбанд қилинган Фарҳодни олиб кирадилар. Уни Хусрав сўроққа тутуди).*

**Хусрав:** Қайдин сен, эй Мажнунни гумрах?

**Фарҳод:** Мажнун ватандин қайда огаҳ

**Хусрав:** Недир сенга оламда пеша?

**Фарҳод:** Ишқ ичира мажнунлик ҳамеша.

**Хусрав:** Бу ишдин ўлмас касб рўзи,

**Фарҳод:** Касб ўлса басдур ишқ; сўзи.

**Хусрав:** Ишқ ўтидин де фасона!

**Фарҳод:** Кўймай киши топмас нишона.

**Хусрав:** Куймагингни айла маълум!

**Фарҳод:** Андин эрур жоҳ аҳли маҳрум!

**Хусрав:** Қай чоғдин ўлдунг ишқ аро маст?

**Фарҳод:** Рух эрмас эрди танга пайваст

**Хусрав:** Бу ишқдин инкор қилғил!

**Фарҳод:** Бу сўздин истиғфор қилғил!

**Хусрав:** Ошиққа не иш кўп қилур зўр?

**Фарҳод:** Фурқат куни ишқи балошўр.

**Хусрав:** Ишқ аҳлининг недур ҳаёти?

**Фарҳод:** Васл ичра жонон илтифоти.

**Хусрав:** Ишқ ичра қатлинг ҳукм этгум!

**Фарҳод:** Ишқида мақсудимға етгум.

**Хусрав:** Бу ишққа сендин йироқ қатл!

**Фарҳод:** Бу сўзларингдин яхшироқ қатл!

**Хусрав:** *(мулозимларига қараб)* Қалъа олдида бир дор қурилсин.

Бунинг *(Фарҳодни кўрсатиб)* қўллари кишанланган ҳолда дорга осилсин! Осилгандан сўнг халқ уни кўклам ёмғиридек ўққа тутсин. Одамлар кўриб ибрат олсин.

**Фарҳод:** Эй ғазабнок шоҳ! Бу билан қасос оляпман, истагимга етдим деб уйлама! Сен нима ҳукм қилган «бўлсанг, бу менинг тилагим эди. *(Парда ётилади)*.

**3-ўқувчи:** «Лайли ва Мажнун» достони бу Шарқ афсонаси асосида биринчи бор туркий тилда ёзилган асардир. Достоннинг асосий қаҳрамони илм ва донишликни касб қилиб олган Қайс қалбида туғилган самимий ва соғлом инсоний муҳаббат у яшаган жамият учун ёт эди.

Жамият Қайсининг покиза қалбидаги кечинмаларини англамас эди. Бир-бирини севган икки ёш фожиаси шундай бошланади ва достон воқеаси ривожланган сари бу фожа чуқурлашиб боради. Бу муҳаббат икки ёшнинг ҳалокати билан яқунланади. Достонда шахс эркинлиги, кадр-қиймати куйланади.

«Лайли ва Мажнун» асаридан кўриниш.

*(Саҳнада занжирбанд этилган соч-соқоли ўсган Мажнун. У нола қилмоқда.)*

О ваҳки, бу ўтдин ўлди тобим,  
Йўқ йуққи, ичинда изтиробим.  
Кулбамда бу, масканимда бу ўт,  
Жонимда бу ўт, танимда бу ўт.

Ўт ичра бировниким солурлар,  
Бандини аёғидин олурлар.  
Ўт банд ила бўлди жилвагоҳим,  
Бундақми азим эмиш гуноҳим.

*(Саҳна ётилади).*

**4-ўқувчи** «Сабъаи сайёр» Алишер Навоий «Ҳамса» достонининг тўртинчи ажойиб достонидир. Шоир достонда подшоҳ Баҳром тимсоли орқали мамлакат бошқарувчисининг бурчи ҳақидаги қарашларини тарғиб қилади. Ўз замонасидаги адолатсиз подшоҳларни огоҳлантириб, Баҳром тақдиридан ўрناق олишга чақиради.

**Саҳна кўриниши:** *(Шоҳ Баҳром қўлида қадаҳ; шароб ичиб ўтирибди. Етти хил либосдаги етти гўзал «Муножат» куйига оҳиста хиром этади).*

**5-ўқувчи:** «Ҳамсани» ташкил қилувчи охирги катта достон «Садди Искандарий»дир. Бу асарда Навоий Искандар сиймоси орқали адолатли ва маърифатли подшоҳ образини гавдалантирган. Адолатпарвар ҳукмдор Искандар доно ва тадбирли подшоҳ бўлишига қарамасдан доимо ўз ёнида уни донишмандларни сақлайди. Искандар фақат адолатли подшоғина эмас, балки умуммаданият учун кенг йўл очиб берган маърифатпарвар ҳукмдор ҳамдир.

«Садди Искандарий»дан саҳна кўриниши. *(Саҳнада шоҳ Арасту ва Фаридун).*

**Фаридун:** Эй, ҳикмат аҳлига фикри қонун бўлган ҳакам! Бир иш юзасидан икки кимса ўртасида юз берган низони йўқотиш мумкинми?

**Арасту:** Ҳаддан ташқари нозик савол бердинг. Баъзи низоларни ақл рад этгани каби, баъзиларини мақбул ҳам кўради. Бировнинг ножўя бир иши бўлиб уни қилмасликнинг иложи бўлмаса, аммо бу ишдан эл-юртга катта зарар етадиган, тағи қалтис жанжал чиқадиган бўлса, биров шу ишни ман этиш имкониятига эга бўлса-ю, лекин ўзини четга олса, у кечирарлик эмас. Низодан фойда ҳам, зарар ҳам чиқиши мумкин. Модомики, бу ишнинг жанжалсиз бўлиш имконияти йўқ экан, шундай шартга риоя қилмоқ керак: у ҳам бўлса, душман билан олишишга қодирми? Агар унинг устидан ғалаба қозонишга кўзи етса, у пайтда олишишга бел боғласа дуруст. Агар қувватини у билан баробар ҳисобласа, можара чиқариб ўтиришнинг хожати йўқ Унга кучи етмаслигини ҳис этса, насиҳат билан кифоялангани яхшидир. Киши ҳамма ишда ақлини ишга солиб, ўз мақсадига эришмоғи лозим. *(Парда ётилади, саҳнага Абдурахмон Жомий қиёфасидаги ўқувчи чиқиб келади.)*

Хуш келибсиз, мавлоно

**1-бошловчи: Абдурахмон Жомий:**

Бу бешларга аввал бошлаб уриб панжа  
Хушxabарлар келтирганнинг юрти ганжа,  
Лекин туркий тилда келди бу нақш ажаб  
Бу сўз Даман жодусида боғлағай лаб.

Осмондин мақтов ёғсин у қаламга  
У қаламдан келди гўзал сўз оламга.  
Кечирсинлар форсий тилда дур терганлар,  
Дари тилда назм инжусин келтурганлар.

Сўзамоллик майдонига сен сурдинг от  
Қайта бошдан сўзнинг юзи порлади бот.  
Сенинг ақлу фикринг билан сафо топди,  
Эй Навоий, лутфинг била наво топди.

(Ғ.Ғулом таржимаси)

*(Саҳнага Бобур сиймосидаги ўқувчи чиқиб келади).*

**2-бошловчи:** Бобур Навоий ижоди ҳақида дейди: «Алишербек тенги йўк киши эди. Туркий тил билан то шеър айтибтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўп айтғон эмас. Олти маснавий китоб назм қилибтур, беши «Ҳамса» жавобида яна бир «Мантиқ ут-тайр» вазнида «Лисон ут-тайр» отлик. Тўрт ғазалиёт девони тартиб қилиб тур. «Ғаройиб ус-сиғар», «Наводир уш-шабоб», «Бадойи ул-васат», «Фа-воид ул-кибор» отлик яхши рубоиёти ҳам бор».

Сўнгра Навоий ғазаллари билан баҳру байт мусобақаси бошланади *(Саҳнага бир неча юқори синф ўқувчилари таклиф этилади. Ғолиблар китоблар билан тақдирланади).*

**1-бошловчи:** Шоир, буюк давлат арбоби, улуғ донишманд Мир Алишер Навоий бобомизнинг инсоният учун қилган хизматлари ҳақида қанча гапирсак, шунча камдир. Унинг асарларидаги доно фикрлар йўлларимизни шамчироқ каби асрлар оша ёритиб бораверади. Агар бобомиз ижодини бир уммон десак, бугун биз бу уммоннинг бир томчиси ҳақида сўз юритди, Бу умрбоқий сиймо образи кўзимиз қароғида, қалбимиз ардоғида яшайверади.

*(Зал узра “Қора кўзим” газали билан қўшиқ таралади)*

**2-бошловчи:** Мана ҳурматли тадбиримиз иштирокчилари! Бугунги тадбиримиз ҳам ўз ниҳоясига етмоқда. Тадбиримизни яқунлаб бериш учун сўзни Бобур номидаги Андижон вилоят ахборот-кутубхона маркази директори Гулнорахон Исмаиловага берамиз. Марҳамат!

**Бобур номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази Фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш бўлими Оилавий ўқишга ёрдам кафедраси**

**“2012 йил –Мустаҳкам оила йили” муносабати билан ўтказиладиган  
“ 12 ёшинг муборак, болажон!” адабий –муסיқали кеча  
Сценарийси**

Ўтказиладиган жойи: \_\_\_\_\_

Ўтказилиш муддати: \_\_\_\_\_

Қатнашувчи гуруҳ \_\_\_\_\_

Маъсул шахс:

### **1-Олиб борувчи:**

Ассалом устозлар, азиз меҳмонлар,  
Даврамизга йиғилган қалби қуёшлар.  
Сизга дилдан таъзим, дилдан эҳтиром,  
Байрамга жам бўлган, дўстлар, ассалом!

### **2-Олиб борувчи:**

Байрам дастурин бошлаб,  
Дилларингиз шод айлаб.  
Сизга юксак эҳтиром  
Хуш келибсиз, ассалом

### **1-Олиб борувчи:**

Хуш келибсиз, азиз меҳмонлар,  
Даврамизнинг тўри сизники.  
Бугун жўшар дилда орзулар,  
Қалбимизнинг тўри сизники.

### **2-Олиб борувчи:**

Ассалому алайкум хурматли устозлар ва илмга чанқоқ ёшлар.  
Ҳаммамиз учун қувончли ва ҳаяжонли бўлган ушбу дақиқаларда энг улуғ,  
энг азиз байрам Конституциямизнинг 20 йиллиги шодиёнаси билан  
барчангизни муборакбод этамиз.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда Юртбошимиз орзу қилган янги  
авлод, ҳеч кимдан кам бўлмаган бахтли авлодни шакиллантириш йўлида том  
маънода тарихий қадамлар қўйилди. Ёшларимизга кенг йўл очиб бериш,  
уларнинг жисмоний ва маънавий жихатдан баркамол бўлиб улғайишлари  
учун, доим меҳр ва ғамҳарлик кўрсатиш ҳаётий мақсадимизга айланди. Зеро,  
истиклол туфайли мамлакатимизда ёшларнинг билим олиши, касб эгаллаши,  
ўз иқтидорини намоён этиши, учун кенг имкониятлар яратилди.

### **1-Олиб борувчи:**

Ёшлар тарбияси мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилгани  
сабабли кўз очаётган ҳар бир истеъдод булоғи асраб –авайланмоқда, унга ўз  
иқтидорни тўла рўёбга чиқариши учун зарур шароитлар яратиб берилмоқда.  
Мамлакат ва халқаро миқёсдаги танлов ва олимпиадалар ғолиблари олий ўқув  
юртига имтиҳонсиз қабул қилиниши белгилаб қўйилган. Аълочи талаба ва  
аспирантлар учун бир қатор нуфузли стипендиялар таъсис этилган. Истедодли  
ёшларнинг чет элларда ўқиши, малака ошириши учун барча шарт-шароитлар  
яратилган. Зулфия номидаги ва “Ниҳол” мукофатларининг таъсис этилиши



хам шу йўлдаги навбатдаги қадамлардандир. Улар иқтидорли йигит – кизларимиз ижоди, ҳаётидаги, ўқишдаги муваффақиятлари ҳар жиҳатдан кўллаб қуватланиши, янги довларда забт этишда толмаслиги учун рағбат вазифасини ўтайди.

## **2-Олиб борувчи:**

Бугунги даврамизни очиб бериш ва болажонларимизни қутлаш учун сўз навбатини болалар шаҳарчаси раҳбари

\_\_\_\_\_га берамиз. Марҳамат. Раҳмат.

Бугунги тадбиримизнинг мақсади ўқувчиларни баркамол авлод қилиб тарбиялашда уларда буюк аждодларимиз билан фахрланиш, аждодлар анъаналарига содиқ қилиб тарбиялаш, қадимий меросларни асраб-авайлашга ўргатиш, маънавиятини шакллантиришдир. Ана шундай маросимлардан бири мучал тўйдир. Мучал ҳақида айтадиган бўлсак, мучал қадим замонлардан бери ўлкамизда мучал бўйича йил ағдариш одати бор. Қариялар мучалнинг нима, деб сўраб ёшингизни айтиб беришади Мучал -12та хайвоннинг номи билан аталадиган йиллар. Мучал ҳисоби Осиё ва Африкадаги кўпгина мамлакатлар халқлари орасида қадимдан кенг тарқалган

## **1-Олиб борувчи:**

Ёзма маълумотларга қараганда мучал ҳисоби дастлаб бизнинг ўлкамизда кўчманчи чорвадор халқлар томонидан ишлатилган. Кейин Хитой, Мўғилистон, Ҳиндистон Миср ва бошқа мамлакатларга тарқалган. Шунинг учун қайси мамлакатда қандай хайвон хосиятлироқ ҳисобланса у 12 йиллик йил ҳисобига киритилган. Масалан Хитойда балиқ ўрнига афсонавий аждарҳо, Мисрда эса сичқон ўрнига мушук от ўрнига эшак ва хоказо хайвонлар номлари қўлланилган. Ўлкамизда эса мана бу хайвонлар мучални ифодалайди.

## **2-Олиб борувчи:**

1-чи товуқ, 2-чи ит, 3-чи тўнғиз 4-чи сичқон, 5-сигир, 6-йўлбарс 7-қуён, 8-балиқ, 9- илон, 10-от, 11-қўй, 12-маймун. Кейинчалик мучал ҳисобини биз ишлатадиган милодий ҳисобга боғлаш мақсадида тескарисига ҳисобланса, милодий ҳисобнинг 1-чи йили товуқ йили экан. Мучал ҳисоби бўйича йил боши деб кўпгина Шарқ мамлакатларида жумладан Ўзбекистонда ҳам 22-чи март олинади.

Энди болалар мучалингизни аниқлашни истасангиз туғилган йилингизни 12-га бўлинг, шунда ҳосил бўлган қолдиқ сон сизнинг мучалингиз бўлади. Масалан сиз 1997 йили туғилган бўлсангиз, уни 12-га бўлсангиз 5 қолдиқ қолади. Демак сизнинг мучалингиз Сигир. Бу йил балиқ йили ҳисоланади.

## **1-Олиб борувчи:**

Шарқ тақвими бўйича бу йил балиқ йили ҳисобланади. Балиқ ташаббускор ҳамда ҳаракатчанларни ёқтиради, агар қатъий ва мустаҳкам бўлсангиз, бу рамз бизга албатта омад келтиради. 2012 ва кейинги йилларда

хам йилда кўп йиллик орзуларингиз рўёбга чиқади. Ташаббускор ва серғайрат инсонлар катта ютуқларга эришадилар.

Балиқ муҳаббат ишларида ҳомийлик қилади. Турмуш ўртоғингизга бўлган садоқатни собитлик билан амалда кўрсатади. Оилавий ишларда болалар билан муносабат биринчи ўринга чиқади.

## **2-Олиб борувчи:**

Балиқнинг ажралиб турувчи алоҳида белгилари: мақсад сари интилиш, донолик, ҳаракатчанлик. Бу рамз бизни ҳаётини фаолликка яхшиликлар сари интилишга ундайди. Сахий, очиккўнгил, самимий ва эртакнамо жонивор бу йилда бизга аъло даражада соғлиқ, омад касбий муваффақиятлар келтириши кутилади.

## **1-Олиб борувчи:**

Балиқ – одамзодга бойлик, яхшилик, уйғунлик ва узоқ умр бахш этади. Бу йилда барчамиз ушалмайдиган орзу-истакларнинг ҳам ижобат бўлишини истаймиз. Катта ёшдаги инсонлар ҳам шу фарзандлари баҳона эртаклар таъсирига бериладилар, улардек беғубор ниятлар қиладилар. Балиқ майда нарсаларга эътибор бермайди. У ҳар соҳада бекаму кўстлик интилади. Қатъиятли ва тўғри балиқ иккиюзламачилик ҳамда сахна орти ўйинларини ёқтирмайди. У ўз қўл остидагилари олдида масъулият сезади ва уларнинг гуллаб – яшнаши учун бор кучини сарфлайди. Балиққа ёқиш учун ҳалол ва самимий бўлиш керак. Қийинчиликлар ва синовлардан кўркмайдиганларни катта мукофотлар кутмоқда.

Энди азиз болажонлар юқорида келтириб ўтганимиздек, мучалларни бирма-бир шеърини тарзда тарифлаб берсак, марҳамат болажонлар.

### **Болалар чиқишади:**

#### **Сичқон:**

Зараркунанда деб  
Майли қарғашсин мени  
Мен жуда меҳнаткашман  
Унутмасинлар шуни.

#### **Сигир:**

Кони фойдадир сутим  
Болалажонларга менинг  
Бўлай десанг гар соғлом  
Сут ич, фойдангдир сенинг.

#### **Йўлбарс:**

Ўрмон шоҳи дерлар мени  
Ғазабимга бўлма дучор  
Гар қўлимга тушсанг агар  
Қутулишинг билки, маҳол.

**Қуён:**

Гарчи ўзим бироз қўрқоқ  
Лекин жуда айёрман  
Шоҳим омон бўлсалар  
Хизматига тайёрман.

**Балиқ:**

Луқмаи ҳалолдирман  
Сувдир менинг ҳаётим  
Сувсиз менга ҳаёт йўқ  
Балиқдир менинг отим.

**Илон:**

Ҳазина қўриқчиси  
Дейишади одамлар  
Тегиб кетма ! нари тур  
Чақиб олмай қочиб юр.

**От:**

Қорабайир ,саман зотим  
Қашқа дўнан тулпор отим  
Мендан ўргангин тоқатни  
Дўстга вафо, садоқатни

**Қўй:**

Бўривой келиб қолса  
Қочиб қололмай ҳалак  
Мунча ювош бўлмасам  
Бу нимаси? Эйфалак! Ба-а-а.

**Маймун:**

Мазза қилиб яшайман  
Ўрмон менинг ватаним  
Банан еб ёнғоқ чақиб  
Яйраб кетар жон-танним

**Товуқ:**

“Етти хазина” бири  
Берарлар менга нисбат  
Айёр тулкидан қочиб  
Қололсам бўлди фақат қо-қо-қо.

**Ит:**

Бўри билан қариндош  
Дея мени камситманг  
Эгасига вафодор  
Фарқлаб олинг, мен итман.

**Тўнғиз:**

Ватанимдир кенг ўрмон  
Мазза қилиб яшайман  
Йўлбарс акам рухсат берса  
Дадил қадам ташлайман.

**1-Олиб борувчи:**

Бугун мучал тўйини нишонлаётган болажонларни табриклаб ўз санъатларини кўрсатиш учун келган Андижон Саноат ва транспорт коллежининг талабаларига навбатни берсак. Марҳамат.\*\*\*\*\* Раҳмат.

**2-Олиб борувчи:**

Энди навбатни меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига берсак. Улар ўзларининг адабий мусикали чиқишлари билан барчамизни хушнуд этадилар. Марҳамат уларни даврага таклиф этамиз. Қувноқ кайфият доимо ҳамроҳимиз бўлсин!

Китоб ўқиш жону дилим,  
Фақат олсам дейман билим  
Аъло баҳоларга ўқиб,  
Хур яйраса, дейман, кўнглим.

Китоб ўқиш жону дилим  
Чунки унда билим лим-лим  
Шу туфайли олдим илм  
Бор бўл юртим, она элим

Раҳмат.

Болажонлар! Китоб шу қадар улуғ кучки, кимки у билан ёшлигидан дўст бўлса келажакда буюк истеъдод эгаси, Ватанимиз равнақи йўлида ўз куч-ғайратини аямайдиган комил инсонлар бўлиб етишиши аниқдир. Болажонлар! Китоб билан дўст бўлинг, зеро у сизнинг садоқатли дўстингиз, ҳаёт йўлингизни ёритувчи йўлчи юлдуздир! Бу борада Бобур номидаги Андижон вилояти ахборот-кутубхона маркази сизларга яқин кўмакчидир, Фурсатдан фойдаланиб айтиб ўтмоқчимиз, сизларни ахборот-кутубхона марказига таклиф этиб қоламиз!

**Бобур номидаги Андижон вилояти ахборот-кутубхона  
марказида ўтказилган давра суҳбати**

**БАЁННОМАСИ**

2013 йил 21 июнь

Андижон шаҳри

**Раислик қилувчи:**

Г.Исмаилова - Бобур номидаги

ВИЛОЯТ

ахборот-кутубхона маркази директори

**Қатнашдилар:**

1. Полвонбоев Ғолиббек

Андижон вилоят ОИТСга қарши  
кураш маркази методик профилактик ва  
эпидемияга қарши ишларни ташкил этиш  
бўлими врач- эпидемиологи

2. Қориев Рустамжон

Андижон вилоят ОИТСга қарши  
кураш маркази сан врач

3. Қосимов Акмалжон

сан врач ёрдамчиси

4. Адилова Ҳамида Собировна

Андижон вилояти Наркология  
диспансери, врач-наркологи

5. Тўхтасинов Абдуносир  
Фозилович

Вилоят прокуратурасининг  
прокурори

6. Абдуллаев Ғофиржон  
Неъматжонович

Андижон вилоят Ички ишлар  
бўлими терговчиси

**Кўрилган масалалари:**

- 1.26 июнь Бутунжаҳон гиёҳвандликка қарши кураш кунининг аҳамияти
- 2.Гиёҳвандлик ва ОИТСга қарши кураш иш барчанинг вазифаси ва бурчи
- 3.Гиёҳвандликка қарши курашишда оммавий тарғибот- ташвиқот ишларининг ташкил қилиниши

**Эшитилди:**

Давра суҳбати 26 июнь –Бутунжаҳон гиёҳвандликка қарши кураш кунига бағишлаб “Энг зарарли иллат” мавзусида ўтказилди. Давра суҳбатини Бобур номидаги Андижон вилояти ахборот-кутубхона маркази директори Г.Исмаилова кириш сўзи билан очиб берди. У ўз нутқида бугунги кунда дунёда, республикамиздаги барча ташкилотларда, ўқув муассасалари ва маҳаллаларда аср вабоси дея ном олган гиёҳвандликка қарши курашишга

доимо алоҳида эътибор қаратиб, келинаётганлиги ҳақида тўхталди ва ушбу тадбирдан кўзда тутилган мақсад ҳам, ёш авлодни бу офатлардан сақлаш, баркамол авлод бўлиб етишишлари учун хизмат қилинаётганлиги ҳақида тўхталди ва бу ҳақида кенг маълумот бериш мақсадида сўз навбатини Андижон вилояти Наркология диспансери врач наркологи Адилова Ҳамида Собировнага берди. Мутахассис давра суҳбати қатнашчиларига гиёҳвандликка олиб келувчи омиллар, гиёҳванд моддаларнинг ассортлари ҳақида маълумотлар бериб ёшларга бу оғу домидан сақланиш лозимлиги, кимки “Мен наркотикларни татиб кўришим мумкин, кўрқинчли ҳеч нарса содир бўлмайди, хоҳлаган вақтда ташлашим мумкин” деб ўйласа, хато қилишини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, бу офатга қарши курашнинг энг асосий жиҳатларидан бири лоқайд бўлмаслик, атрофимиздаги бу офат гирдобига тушиб қолганларга ёрдам қўлини чўзиш лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Андижон вилоят ОИТС га қарши кураш маркази сан врач, эпидемиолог Полвонбоев Ғолиббек ва сан врач Қориев Рустамжонлар давра суҳбати иштирокчиларига ҳозирги даврнинг долзарб муаммоси бўлган ОИВ/ОИТС тўғрисида кенг маълумот берди. Чекиш, ичкиликбозлик, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш ва турли хилдаги руҳий зарбалар ҳам ОИТСнинг ривожланишига ўз таъсирини ўтказишини, ОИВнинг юқиш йўллари, касалликнинг белгилари ҳақида тўхталиб ўтди.

Вилоят прокуратураси прокурори Тўхтасинов Абдуносир Фозилович сўзга чиқиб, юртимизда гиёҳвандликка қарши кураш борасида амалга оширилаётган ишлар ва унинг ҳуқуқий асосларига алоҳида эътибор қаратди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳам гиёҳвандликнинг олдини олишда муҳим асос эканлигини таъкидлаб ўтди.

Давра суҳбати давомида Андижон вилоят Ички ишлар бўлими терговчиси Абдуллаев Ғофиржон Неъматович Наркобизнеснинг олдини олиш, гиёҳванд моддаларни йўқ қилиш, ёшларни бу йўлларга кириб қолишини олдини олиш учун олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлар экан, одатда, гиёҳванд модда сотувчиларнинг аксарияти бу оғуни ўзлари истемол қилмаслиги, сабаби, бу оғу инсонни нафақат саломатлигидан, балки ёру дўстлари, касби, уй-жойидан ҳам маҳрум қилишини улар яхши билган ҳолда бу қабих ишларни амалга ошираётганлиги ҳақида тўхталди.

Давра суҳбатида Андижон Тиббиёт институти қошидаги Академик лицейининг 45 нафар талабалари ва Андижон радио теле узатиш маркази ходимларининг 18 нафари иштирок этдилар.

Мутахассислар давра суҳбати қатнашчиларининг саволларига атрофлича жавоб бердилар. Жумладан, Андижон радио теле узатиш марказининг УКТ

цех механиги Попов М.В нинг психотроп наркотик моддалар ва уларнинг тиббиётда қўлланиши ва бошқалар.

Давра суҳбати давомида Гиёҳвандлик ва ОИТСнинг оғир оқибатларини ёритиб берувчи “Ажал гирдоби”, “Хомиладорлик”, “Оила қувончи” мавзуларидаги кўргазмали видеофильм ва видеороликлар намойиш этилди.

Қатнашчиларга “Хаёт гўзал” плакати, “ОИВ, ОИТС тўғрисида суҳбатлашамиз”, “Хорижга боровчиларга эслатма”, “ОИВ инфекцияси тўғрисида биласизми?” номли буклетлар тарқатилди.

### **Давра суҳбати юзасидан қуйидаги қарорлар қабул қилинди:**

1. Келгусида маънавий-маърифий тадбирлар доирасида шундай мулоқотлар, очик суҳбатлар кўпроқ ташкил этиш.
2. Ўтказилаётган тадбирларга ёшларни янада кўпроқ жалб қилиш, уларнинг баркамол инсон бўлиб камолга етишишида ҳар томонлама кўмак бериш.

**Андижон вилояти ахборот-кутубхона  
маркази директори:**

**Г.Исмаилова**

**Давра суҳбатини  
баёнлаштирувчи:**

**З. Шахобиддинова**

Тузувчи: Илмий-услугият бўлими ходими  
Шокирова Ш